Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 83 (7473). ● 28 апрель, 1981 йил ▲ СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

КЎКПОЯ ЎРИЛМОҚДА

КПСС XXVI съезди қарорларига амалий жавоб бериш учун Бутунитттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилган «Правда» колхози чорвадорлари катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Сут-товар фермаси коллективи биринчи кварталда 190 тонна ўрнига 205 тонна сут топшириб планни муддатидан илгари ошириб адо этди. Клавдия Крупская, Ҳуснора Орипова, Зумрад Тўхтамуродова, Тозагул Камолова, Тўғанбой Эсонбоев сингари тажрибали чорвадорларнинг ғайрат-шижоатлари билан давлатга гўшт сотиш квартал плани 25 процент, тухум — 27 процент ошириб бажарилди.

Ем-хашак базасини мустаҳкамламай туриб, моллар туёғини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш мумкин эмаслигини яхши билган чорвадорлар оралиқ экинлар экишдан ҳам оқилона фойдаланмоқдалар. Ўтган йили кузда 35 гектар ерга жавдар ва рапс экилган эди. Бу йилги қулай об-ҳаво шароитида экинлар дуркун ривожланди ва серҳосил бўлди. Правдаликлар районда биринчи бўлиб жавдар ўришга киришдилар.

— Оралиқ экинларнинг фойдаси жуда катта,— дейди колхоз бош агрономи Болтабой Сулаймонов.— Бу экин, аввало, ерни ёввойи ўтлардан тозалайди, органик ўғит билан бойитади, ҳашоротларни камайтиради. Энг асосийси эса, бедага ўроқ тушишидан 15—20 кун аввал молларга кўк озуқа бериб, сутни кўпайтириш имкониятига эга бўлинади.

Рапс ва жавдар экишда бошқаларга намуна бўлаётган Муҳаммаджон Зиёвудинов бошлиқ бригада далаларида иш қизғин. Тракторчилардан Эгам Халилов, Абдуғани Юсуповлар жавдарни ўз вақтида ўриб олишда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

С. АБДУЛЛАЕВ,
Оржоникидзе райони.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ

Биз янги дунёни қурар эканмиз, экономика, фан ва маданиятдаги ютуқлар билан ҳақли равишда фахрланамиз, Ленин бизга васият қилган энг қийин ва энг олийжаноб иш—янги кишини тарбиялашдаги муваффақиятлар билан қувонамиз. Бу янги киши юксак ғоявий эътиқодли, ватанпарвар ва интернационалист, ўз мамлакатининг хўжайинидир.

Партия коммунистик тарбия ишини ҳамиша такомиллаштириб бормоқда. Буни КПСС XXVI съезди қарорлари, «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги партия Марказий Комитетининг икки йил муқаддам қабул қилган қарори янги куч билан тасдиқлаб турипти.

Бу қарорни ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитетининг партия съездига Ҳисобот докладида узоқ муддатга мўлжалланган ҳаракат ҳужжати деб атади. «Аслини олганда,— деб таъкидлади у,— гап идеология ишининг кўпгина участкалари ва соҳаларини қайта қуриш ҳақида... боряпти. Шунга эришмоқ керакки, идеология ишининг мазмуни актуалроқ бўлиб қолсин, бу ишнинг формалари эса совет кишиларининг замонавий талаб-эҳтиёжларига жавоб берсин».

Бу вазифаларни бажариш учун кейинги йилларда кўпгина ишлар қилинди. Коммунистик тарбияда комплекс ёндашув тобора активроқ қарор топмоқда, идеология муассасалари ихтиёрида бўлган воситалар арсенали кенгайди. Деярли ҳамма жойда ягона сиёсий кун системаси жорий қилинди. Кўпгина ишлаб чиқариш коллективларида партия ўқувининг таъсирчанлиги ошди. Москва, Ленинград, Киев, Минск, Боку, Тбилиси, Челябинскдаги илмий-амалий конференциялар тарбия соҳасида илғор тажрибани алмашиш, ижодий изланишга бағишланди. Бу ишни активлаштиришда 1979 йил октябрида бўлган идеология ходимларининг Бутунитттифоқ кенгаши муҳим роль ўйнади.

Шу билан бирга шуни унутмаслик керакки, ҳаёт бир жойда турмайди. Албатта, юз бераётган ўзгаришларни, совет кишиларининг ўқимишлилик даражаси ва маданияти ўсганлиги, сиёсий-тарбиявий фаолиятнинг тўпланган тажрибасини ҳар томонлама ҳисобга олмай туриб самарали идеологик ишни тасаввур қилиб бўлмайди. Халқаро майдонда идеологик курашнинг кескинлашганлигини, синфий душманнинг пропаганда воситалари активлиги кучайганлигини ҳам тўлароқ ҳисобга олиш керак. Душманлар ҳар хил туҳмат-бўхтонлар ёғдириб ва кишилар онгидаги турли хурофот ва сарқитлардан фойдаланиб, турмушимиздаги камчиликлар, нуқсонлар ва қийинчиликларни қасддан бузиб талқин қилиб, синфий онгни, идеалларимизга бўлган ишончни йўққа чиқаришга уринмоқдалар. Биз ғоялар курашида муросасиз бўлишимиз, ёт қарашларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кескин курашишимиз керак.

Бугунги кунда муҳими — пропаганданинг ҳаёт билан алоқасини изчил мустаҳкамлаб бориш, унинг таъсирчанлиги, актуаллигини ҳар томонлама оширишдир. Гап амалда партия ғоявий-назарий, сиёсий-тарбиявий, ташкилотчилик ва хўжалик ишининг бирлигига эришиш тўғрисида бормоқда. Партия ташкилотлари обрў-эътибори манбаи, омма орасида олиб борадиган ҳамма ишимиз самарадорлигининг негизи ана шу бирликда, сўз билан ишнинг бир жойдан чиқишидадир.

Энг биринчи галдаги вазифалардан бири — КПСС Марказий Комитети Ҳисобот докладининг ғояларини, съезднинг йўл-йўриқларини ҳар бир совет кишисига етказиш, кишиларга ўз ҳаётий манфаатлари партия қарорларини амалга ошириш билан яқиндан боғланганлигини, уларни амалга оширишдаги ўз ўрни ва ролини чуқурроқ англаб етишларига ёрдам беришдан иборат.

Партия съездида таъкидлаб ўтилганидек, пропагандамиз ўткир мавзуларни четлаб ўтмаслиги, қийин деб ҳисобланган масалаларни кўтаришдан қўрқмаслиги жуда муҳимдир. Бутун ғоявий-тарбиявий иш сийқаси чиқиб қолган гапларни ишлатмай, тайёр ибораларни кетма-кет келтиравермай, жонли ва қизиқарли қилиб олиб борилиши керак. Сўз билан иш бирлигининг бузилиши, реал ҳаракатлар ўрнига сиёсий сафсатабозлик қилиш кишиларнинг кайфиятига, меҳнат коллективларидаги маънавий муҳитга зарарли таъсир ўтказишини ҳаёт тасдиқлаб турипти.

Сўз билан иш ўртасидаги узилиш меҳнат меёри билан истеъмол меёри устидан назорат сусайтирилганлигида намоён бўлса, айниқса хатарли бўлиб қолади. Шу муносабат билан идеология фронти ходимлари олдига, барча коммунистлар олдига конкрет вазифа — ҳамма жойда ҳалол, виждонан қилинган ижодий меҳнатнинг обрў-эътиборини қарор топтириш вазифаси олдинги ўринга қўйилмоқда. Истеъмолчилик кайфиятлари, мешчанлик, ғайда буржуа психологияси сарқитлари билан муросасизлик қилмаслик керак. «Янги инсонни камол топтириш, уни ғоявий чиниқтириш, социалистик турмуш тарзи нормалари ва принципларини тўлиқ қарор топтириш,— деди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, партия Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов ўтган ҳафтада бўлган идеология ходимлари Бутунитттифоқ семинар-кенгаши минбаридан туриб,— лозим бўлган барча янги ва илғор нарсаларни моҳирлик билан аниқ танлаб олиш, олға томон қилаётган ҳаракатимизга ҳалақит бераётган нарсаларга қарши зўр бериб изчиллик билан курашиш зарурлигини шарт қилиб қўяди. Фақат шу йўл билангина биз агитация амалда олиб борилишига эриша оламиз. Бу эса агитацияларимизнинг энг ишонтирарли турларидир».

Партия назарий иши савияси ва сифатини ошириш учун, сиёсий маорифнинг қўйилишида формализм ва қироатхонлик кўринишлари тубдан тугатилиши учун кўп иш қилишга тўғри келади. Матбуот чиқишларининг юксак таъсирчанлигига эришиш, ҳаққоний ва принципиал танқидни назар-писанд қилмайдиган кишиларга нисбатан қатъиян талабчан бўлиш керак. Совет адабиёти ва санъати оммага қудратли ғоявий ва ахлоқий таъсир ўтказишга даъват этилгандир.

Ҳар қандай ишнинг муваффақиятини кадрлар ҳал қилади. Уларни танлаш, тарбиялаш, хабардор қилиб туриш, назарий ва методологик тайёргарликдан ўтказиш—партия ташкилотларининг вазифасидир. Ҳар бир лектор ва пропагандист, сиёсий ахборотчи ва агитатор чуқур билимга эга бўлган, юксак маънавий маданиятли, одамларни тинглай биладиган, тушунадиган ва ишонтира оладиган бўлиши керак. Ўз билим ва қобилиятини оммани ғоявий-сиёсий ва ахлоқий чиниқтиришдек олийжаноб ишга садоқат билан бағишлаётган барча кишиларга нисбатан бугунги кунда КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидаги қуйидаги сатрлар қаратилгандир:

— ИДЕОЛОГИЯ ФРОНТИНИНГ ХОДИМЛАРИ! ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР, АХБОРОТ ВА ПРОПАГАНДА ИШИНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИНГИЗ!

ҲАР БИР СОВЕТ КИШИСИ КОММУНИСТИК ҒОЯВИЙЛИК, ТУРМУШДА АКТИВ ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯДА ТУРИШ РУҲИДА ТАРБИЯЛАНСИН!

(«ПРАВДА» газетасининг 27 апрелдаги бош мақоласи).

М. КАДДАФИ МОСКВАГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан, Ливия революциясининг раҳбари, Ливия социалистик халқ араб жамаҳириясининг бошлиғи М. Каддафи расмий дўстлик визити билан 27 апрель куни Москвага келди.

Аэродромда М. Каддафини КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ—1 МАЙГА

УМИД НИҲОЛЛАРИ

КАТТА йўл ёқасидан бошланадиган қўнғир тусдаги далаларда яшил чизиқдек саф тортган мурғак ниҳоллар кўзга яққол ташланади. Улар энди қўшқулоқ бўлган. Аммо, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг Фарида Абдураҳмонова бошлиқ бригадаси аъзоларининг бу ниҳоллардан умидлари катта. Улар ўн биринчи беш йиллликнинг тўнғич йилида 80 гектар майдонинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга азму-қарор қилишган.

Бригадада чигит қулай муддатларда экилиб, ер намига бир текис қийғос ундириб олинди. Мана бир неча кундан бери механизатор Тўлқин Комилов культиваторида ёш ниҳоллар қатор ораларига ишлов бермоқда. У тажрибали дала гвардиячисидир. Тўлқин ака биринчи ишлов бериш пайтида айниқса омилкорлик билан иш тутиш зарурлигини яхши биларди.

Хўжаликнинг бошқа бригадаларида ҳам қатор ораларига дастлабки ишлов бериш авж оляпти. Илғор бригадалар коллективлари бу агротехника тадбирини 1 Майгача ниҳолсиз етказишни режалашган.

Э. МАДИЕРОВ.

Суратда: (юқорида) механизатор Тўлқин Комилов; бригадада ёўза қатор ораларига ишлов бериш пайти.

А. Абалян фотолари.

МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛАДИ

УРГАНЧ. 25 апрель. (ЎзТАГ). Қўш орденли Хоразм областининг меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили учун юксак мажбуриятлар қабул қилдилар. Улар КПСС XXVI съезднинг тарихий қарорларини амалга оширишга зўр ғайрат билан киришдилар. Лекин бу йилги баҳор областда катта қийинчиликлар келтирди. Кучли ёққан жала натижасида тошиб кетган сув экинларга зарар етказди, уй-жойлар, чорвачилик биноларини шикастлантирди, транспорт ва алоқани ишдан чиқарди.

Область партия-хўжалик активининг бугун бўлиб ўтган йиғилишида қабул қилинган социалистик мажбуриятнинг ана шундай оғир шароитда сўзсиз бажарилишини қандай қилиб таъминлаш тўғрисида гаплашиб олинди. Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов табиий офат оқибатларини тугатиш ва экиш-тикиш ишлари суръатини жадаллаштириш соҳасида область коммунистлари, барча меҳнаткашларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва йиғилишда сўзга чиққан Хива район партия комитетининг биринчи секретари М. Маткаримов, Урганч шаҳар ижроия комитетининг раиси Р. Султонов, Хонқа районидаги Оҳунбобоев номли колхоз раиси А. Юсупов, Боғот районидаги Наримонов номли колхоз сут соғувчиси Р. Матёқубова, «Туямуюнгидрострой» қурилиш бошқармасининг бошлиғи В. Г. Духанин жала оқибатларини тезроқ тугатиш соҳасида областга катта ёрдам берганликлари учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор этдилар. Мамлакатимиз халқлари бузилмас дўстлигининг, уларнинг қардошлиги ва ўзаро ёрдамининг гувоҳи сифатида Хоразмга машина-механизмлар, бинокорлик материаллари, минерал ўғитлар, уруғлик, озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари етказиб берилмоқда. Темирйўлчилар ана шу маҳсулотлар ортилган эшелонларга кенг йўл очиб беришди. Область меҳнаткашлари кўрсатилаётган моддий ва маънавий мададга таяниб, саноат ишлаб чиқариши ва қурилиш суръатларини жадаллаштириш, чигит ва шоли экишни ўз вақтида ва юксак агротехника даражасида тугаллаш учун ҳамма ишларни қилишга интилмоқдалар.

Йиғилиш қатнашчилари область меҳнаткашлари табиий офатга коллективчилик, мардлик, уюшқоқлик, аниқ ҳаракатни қарши қўйганликларини таъкидладилар. Барча резервларни моҳирлик билан ишга солиб, жала оқибатларини бартараф этишга қатъий киришган район ва хўжаликларнинг меҳнаткашлари мисол қилиб келтирилди.

Сўзга чиққан нотиқлар барвақт, юқори сифатли ҳосил етиштириш учун шарт-шароитларни яратиш муваффақиятнинг асосий шарти эканлиги ҳақида гапирдилар. Бунинг учун экишни ғоят тиғиз график асосида ўтказиш лозим. Экиш техникасини ҳозир бир участкадан иккинчи участкага кўчириш учун ҳеч қандай зарурият йўқ; ҳамма майдонлар экин экиш учун тайёр. Бу эса вақтдан ютиш имконини беради. Нотиқларнинг сўзларида ҳамма жойда чигитни аниқ экиш усулини жорий этишга, ўсимликларни ҳимоя қилиш биостимуляторларини кенгроқ қўлланишга, ҳар гектар ердан мўл ҳосил олиш учун курашни ташкил этишга алоҳида эътибор берилди.

Чорвачиликнинг саноат негизига кўчирилганлиги — туфайли чорвачилик маҳсулотлари, айниқса парранда гўшти ва тухум етиштиришни кескин равишда кўпайтириш учун шарт-шароитлар яратилаётганлиги ҳам уқтириб ўтилди. Мустаҳкам ем-хашак запасини вужудга келтириш йўлида пичан ўримини яхши ўтказиш, бунинг учун машина-механизмларни тайёрлаб қўйиш, ихтисослашган бригадалар тузиш зарур.

Сўзга чиққан нотиқлар область партия ташкилотларининг бутун ташкилотчилик ва сиёсий иш савиясини янада ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. План ва социалистик мажбуриятларни тўла ва ошириб бажариш учун ўтказилаётган мусобақани янада кенг авж олдириш лозим. Хоразм областининг меҳнаткашлари партия ва ҳукуматнинг оталарча ғамхўрлигига зарбдор меҳнат билан, табиий офат оқибатларини бартараф этиш ишларини жадал олиб бориш билан жавоб қайтаришлари лозим.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилиш иштирокчилари ўз ваъдасига содиқ бўлган хоразмликлар барча қийинчиликларни шараф билан бартараф этиб, сўз берганларидек, 415 минг тонна «оқ олтин» етиштирадилар, шоли, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятларини бажарадилар, деб ишонтирдилар.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

НУКУС. 27 апрель. (ЎзТАГ). Қорақалпоғистон автоном республикасининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўн биринчи беш йиллликнинг биринчи йилини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлашга қарор бердилар. Улар КПСС XXVI съезднинг тарихий қарорларини бажаришга мусобақа ҳисса қўшиш учун интилиб, 1981 йилда 405 минг тонна пахта, камида 295 минг тонна шоли етиштириб, давлатга топширишни белгиладилар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш кўзда тутилади. Ем-хашак базасини жадал суръатлар билан ривожлантириш кўп жиҳатдан бунга ёрдам бериши керак.

Қишлоқ меҳнаткашлари олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун мустаҳкам негиз яратиш мақсадида қиш фаслида зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар. Кўкламги совуқ ва ёғингарчилик барча тадбирларни амалга оширишга тўсатдан ҳалақит берди, қишлоқ хўжалик ишларига, уй-жой ва ишлаб чиқариш фондига зарар етказди. Аммо оби-ҳаво шароитининг ноқулай келиши натижасида қийинчиликлар деҳқонларнинг ғайрат-шижоатини бўшаштиролмади. Ёғингарчилик тинишн билан улар қўклам дала ишлари графигини қайтадан кўриб чиқиб, жадал суръатларни белгиладилар. Ҳамма жойда ёғингарчилик оқибатларини қисқа муддатларда тугатиш, экиш кампаниясини ўз вақтида тугаллаш учун қизғин кураш бошланди.

Автоном республика партия-хўжалик активининг бугун ўтказилган йиғилишида юксак мақсадларга эришмоқ учун қандай тадбирларни амалга ошириш зарур эканлиги тўғрисида гап борди. Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов доклад қилди.

Сўзга чиққан ўртоқлар ёғингарчилик оқибатларини тугатишда автоном республиканинг қишлоқ меҳнаткашларига жуда катта ёрдам берганлиги учун партия ва ҳукуматдан астойдил миннатдор эканликларини изҳор қилдилар. Нотиқлар уқтириб ўтганидек, ана шу ёрдамдан самарали фойдаланиш, далаларда бутун техниканинг, шу жумладан деҳқонларга ёрдам тариқасида юборилган машина-механизмларнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш, қўшимча равишда ажратиб берилган моддий ресурслардан кўпроқ самара олиш муҳим вазифадир. Техникани ҳар жойнинг хусусиятига қараб ишлата билиш, илғорларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришнинг энг мувофиқ формаларини топа билиш ва қўлланиш керак. Дала ишлари агротехникасини ҳозир ўзгарган шароитларга мувофиқ тарзда такомиллаштириш йўлларини тез қидириб топиш мутахассисларнинг бурчидир.

Барча резервларни ишга солиш, ёғингарчилик оқибатларини тугатиш, ғишт заводларини ва уйсозлик комбинатларини реконструкция қилиш соҳасидаги ишларнинг улкан программасини бажариш, ўн биринчи беш йиллликни муваффақиятли тугаллаш — қурувчиларнинг шарафли бурчидир.

Барча саноат корхоналарининг меҳнат коллективлари меҳнат унумдорлигини доим ўстиришга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш йўли билан планларни ортиғи билан бажаришга эришишлари, деҳқонларга оталиқ йўли билан ёрдамни кучайтиришлари лозим.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари Қорақалпоғистон меҳнаткашлари белгиланган планларни ва юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришга қатъий қарор берганлигини таъкидладилар.

Партия-хўжалик активи йиғилиши ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. Айтмуратов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. С. Ашуралиев, В. П. Есин, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

АФҒОН ХАЛҚИ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари Афғонистонда Апрель революциясининг уч йиллигини кенг нишонлямоқда. Қардош халқ ҳаётидаги шонли воқеа шарафига кўргазмалар очилди, дўстлик кечалари, кинофестиволлар ўтказилмоқда. Тошкент жамоатчилиги вакилларининг 27 апрель куни бўлиб ўтган тантанали йиғилиши Афғонистон Демократик Республикасининг миллий байрамига бағишланди. Йиғилишда Ўзбекистон пойтахтида таълим олаётган афғон йигит ва қизлари иштирок этдилар.

Сўзга чиққан кишилар афғонистонлик дўстларни шонли сана билан астойдил табриклядилар, янги ҳаёт қурилишида уларга катта муваффақиятлар тиладилар.

(ЎзТАГ).

ҒОЛИБЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети область шаҳарлари ўртасида саноат ва қурилиш бўйича область социалистик мусобақасининг 1981 йил биринчи квартал якунларини кўриб чиқдилар.

Чирчиқ шаҳар саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича зиммага олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Шаҳар меҳнаткашлари саноат маҳсулотини реализация қилиш квартал планни 101,5 процент, саноат маҳсулотини реализация қилиш бўйича социалистик мажбуриятларини 144,7 процент, саноатда меҳнат унумдорлиги бўйича планни 101,3 процент, капитал маблағлар ўзлаштириш планини 105 процент, асосий фондларни ишга туширишни планини 156 процент, уй-жойларни фойдаланишга топшириш планини 143 процент қилиб бажардилар, кўпгина миқдорда моддий-техника ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаб қолишга эришдилар. Оҳангарон шаҳар саноат корхоналари коллективлари ҳам самарали ишлашди. Маҳсулот реализацияси бўйича биринчи квартал планн 107 процент, меҳнат унумдорлиги бўйича 107,1 процент қилиб бажарилди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ортишининг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди. Ангрен ва Янгийўл шаҳарлари қурилиш ташкилотлари катта муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Ўзбекистон Компартияси область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети область шаҳарлари ўртасидаги область социалистик мусобақасининг 1981 йил биринчи квартал якунларини кўриб чиқиб, область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғини **Чирчиқ шаҳрига** (шаҳар партия комитетининг секретари П. А. Юсупов, шаҳар ижроия комитетининг раиси Н. Ф. Шарипов ўртоқлар) топширишга қарор қилди. Шаҳар меҳнаткашлари саноат ва қурилишда асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича квартал планни муваффақиятли бажардилар.

Оҳангарон шаҳар саноат корхоналари, Ангрен ва Янгийўл шаҳарлари қурилиш ташкилотларининг 1981 йил биринчи кварталида яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ область комитети областдаги шаҳарлар, районлар, посёлкалар, корхоналар, қурилишлар, муассасалар, ташкилотлар, ўқув юртлари, колхозлар ва совхозлар коллективларининг намунали жамоат тартибини сақлаш бўйича социалистик мусобақаси 1980 йил якунларини кўриб чиқдилар.

Шаҳар, район партия комитетлари, шаҳар ва район ижроия комитетлари раҳбарлигида ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтган йили жамоат тартибини мустаҳкамлаш, жамиятга ёт бўлган кўринишларга қарши курашда маълум ижобий натижаларга эришилди.

Гражданларни коммунистик ахлоқ, юксак ахлоқий поклик ва интизомли, жамоат тартибини бузишнинг барча кўринишларига нисбатан муросасиз муносабат руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида Чиноз районида Бўстонлиқ районидаги Товоқсой посёлкаси меҳнаткашлари коллективлари 1980 йилдаги социалистик мусобақа шартлари бўйича яхши натижаларга эришдилар.

Тошкент районидаги Келес автотранспорт корхонаси, Бекобод шаҳридаги темир-бетон буюмлари ва бинокорлик материаллари комбинати, Калинин районидаги Оҳунбобоев номли совхоз, Оққўрғон районидаги Ботинцев номли колхоз коллективлари ҳам ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолларига қарши курашда яхши натижаларга эришдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи ва 1,5 минг сўмлик биринчи пул мукофоти 1980 йилда намунали жамоат тартибини сақлаш учун социалистик мусобақада яхши натижаларга эришган **Чиноз районига** (район партия комитетининг секретари К. Б. Мамедов, район ижроия комитетининг раиси М. Абдукарямов, район касаба союзлари Советининг раиси К. Рўзиматов, район комсомол комитетининг секретари Э. Бердиев ўртоқлар) берилди.

Байроқ Ўрта Чирчиқ районидаги Янгиҳаёт посёлкасидан олиб берилади.

Бу мусобақада яхши натижаларга эришган Бўстонлиқ районининг Товоқсой посёлкаси (посёлка Советининг раиси А. Кежибоев) Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий Ёрлиғи ҳамда минг сўмлик иккинчи даражали пул мукофоти билан тақдирланди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий Ёрлиғи ҳамда 500 сўмлик пул мукофоти Тошкент районидаги Келес автотранспорт корхонаси, Бекобод шаҳридаги темир-бетон буюмлари ва бинокорлик материаллари комбинати, Калинин районидаги Оҳунбобоев номли совхоз, Оққўрғон районидаги Ботинцев номли колхозларга берилди.

Социалистик мусобақа кундалиги

ПЛАНГА ҚЎШИМЧА

ОҲАНГАРОНДАГИ ғалла маҳсулотлари комбинати ишчи-хизматчилари съездлар йилида кўплаб сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга сўз беришган. Лабзи ҳалол комбинат меҳнатчилари ҳозиргинг ўзидаёқ пландан ташқари юзлаб тонна маҳсулотлар тайёрлаб, эл ҳурматига сазовор бўлишяпти. Биринчи квартал якунларига кўра комбинат пландан ташқари 1632 тонна ун ишлаб чиқарди, 25539 тонна омихта ем тайёрлади. Бу эса топшириқдагидан анча кўп.

О. ХУШНАЗАРОВ.

САМАРАСИ — 160 МИНГ

В. И. ЛЕНИН номли Ўзбекистон металлургия заводининг ихтирочилари ишлаб чиқариш жараёнида янги прогрессив технологияни қўллаш ва уларнинг самарадорлигини оширишда муносиб ҳиссаларини қўшиб келяптилар. Айни пайтда заводда 456 нафар рационализатор бўлиб 1981 йилнинг биринчи кварталида улар томонидан 108 та ихтирочилик таклифлари киритилди. Ишлаб чиқаришга жорий этилган бу таклифлар ҳозиргинг ўзида 160 минг сўмлик иқтисодий самара берди.

Ф. ЗИЁДУЛЛАЕВ.

АҲДГА ЯРАША

ПИСКЕНТ. 1-«Пискент» совхозининг Холмурод Жовлиев бошчилик қилаётган бригадаси далаларида ғўзага дастлабки ишлов бериш бошлаб юборилди. Пахтакорлар далаларга туксиз чигитни уяларга аниқ ташлаш усулида экканлари туфайли ҳар гектар майдонда 105—110 минг тупдан ниҳол бор.

Бригада коллективи ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида ҳар гектар пахта майдонидан пландаги 30 центнер ўрнига 36 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилишган. Ҳозир барча ҳаракат зиммага олинган юксак мажбуриятга яраша ҳосил етиштиришга қаратилган.

С. АҲМЕДОВ.

●

БЕКОБОД. Имом Қосимов Ойбек номли совхознинг илғор бригада бошлиқларидан бири ҳисобланади. У бошчилик қилаётган коллектив съездлар йилида 85 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олишга қарор қилган.

Шу кунларда бригада деҳқонлари ғўзаларга ишлов беришни бошлаб юборишди. Ғўза қатор ораларини юмшатишда Исмат Раимов, Унар Ризаев каби механизаторлар барчага намуна кўрсатмоқдалар.

О. ҲАМРОЕВ.

●

ТОШКЕНТ. Ленин номли колхознинг Абдураҳмон Абдусатторов бошлиқ озуқа етиштириш бригадаси аъзолари бу йил 45 гектар майдонга маккажўхори, 20 гектар ерга эса озуқа лавлагиси экишди.

Бригада деҳқонлари ҳар гектар маккажўхори майдонидан 100 центнердан дон ва 600 центнердан кўк масса, шу билан бирга ҳар гектар лавлагиздан 700 центнердан илдиз мева олиш ниятидалар. Аҳдга яраша иш олиб бораётган озуқакорлар экинларга дастлабки ишлов беришни тугаллашди.

Т. ЖУРАЕВ.

* * *

Шунингдек, редакциямизга қишлоқ мухбирларидан бекободлик Ф. Зиёдуллаев, К. Раҳмонбердиев, У. Қурбонов, Қ. Сиддиқов, бўкалик У. Усмонова, Ю. Анорбоев, Қ. Асроқулов, оққўрғонлик С. Мустафоев, А. Мустафоев, оҳангаронлик Н. Абдурасулов, О. Хушназаров, ўрта чирчиқлик Ш. Баҳромова ва Тошкент районидан К. Муҳамедов ва бошқалар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

ЧЎПОНЛАР ҚУВОНЧИ

Қурама тоғининг сойликлари — Кандирсой ва Яккабоғ массивидаги яйловларни қўй-қўзиларнинг маъраши тутган. Онда-сонда чўпонларнинг «қур-эй», «қур-эй» деган овозлари эшитилади. Қулоғига исирға тақилган қўзичоқлар кечагина ёмғир ёғиб ўтган ўтлоқларда дикир-дикир сакрашади. Қўзисини адаштириб қўйган ёш совлиқ эса бор овози билан маъраб уни излайди.

Чўпонлар эса куну тун қўраларда. Тунлари бир неча бор уйқудан воз кечиб, совлиқлардан ҳабар оладилар. Янги туғилган қўзининг қулоқ ва думшуғини, пуфлашади, тозалашади, қуруқроқ жойга қўядилар. Зум ўтмай яна қўрага кириб, онасини эмяптими, йўқми, текшириб кўришади. Шуидан сўнг кўнгиллари бироз тинчигандай бўлади. Лекин, ҳув, нарида яна бир совлиқ қўзилабди...

Абдуғаффор бир неча йил отаси Абдусамат акага ёрдамлашиб, чўпонликнинг бу ташвишларига ўрганиб қолган. Отасидан кўп нарсани ўрганди. Бу йил эса мустақил ишлай бошлади.

— Биз Абдуғаффор Холиқовни бош чўпон қилиб янгилашмабмиз,— дейди Оҳангарон районидаги С. Раҳимов номли совхоз партия комитетининг секретари Сайфутдин Йўлдошев.— Ёш коммунист совхозимизда биринчи бўлиб қўзи олиш мажбуриятини бажарди. Ҳар юз бош совлиқдан 125 тадан қўзи олди.

Хўжаликнинг бошқа отарларида ҳам қўзилатиш уюшқоқлик билан давом этяпти. Қўралар иссиқ, дағал озуқа етарли. Ҳар бир совлиққа кунига 300 граммдан ем берилаяпти. Қўзилар ўз вақтида ҳисобга олинаяпти. Чўпон ва сақмончилар ўртасидаги социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилган.

КПСС XXVI съезди тарихий қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун қурашаётган совхоз чўпонлари ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида ҳар юз совлиқдан 112 тадан қўзи олишга аҳд қилганлар. Улар бу ваъдаларига вафо қилиш йўлида кунни тунга улаб меҳнат қилаётирлар. Совлиқлардан олинаётган эгиз қўзилар чўпонларнинг қувончига қувонч қўшяпти.

Ф. НУРМАТОВ,
А. АБДУЛҲАҚОВ.

Республикамиз пойтахтидаги 1-пойафзал фабрикаси коллективи баҳор-ёз мавсумида кийишга мўлжалланган янги енгил, қулай оёқ кийимларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Суратда: корхонанинг илғор ишчиси Зулфия Муслимова ана шундай маҳсулотларнинг биринн намойиш қилиб кўрсатмоқда. Ёш пойафзалчи ҳар сменада норматни знёдаси билан адо этмоқда.

Р. Шагаев фотоси.

(ЎзТАГ).

ЯКУН — ҲАР КУНИ

ҲОЗИРГИНА қулоқни қоматга келтираётган қудратли станоклар бир зум тингандек бўлди. Цех ичкариси сув қуйгандек жим-жит эди. Лекин, кўп ўтмай меҳнат симфонияси яна баралла янгради. Навбатдаги смена ишга киришди. Поток линиялар яна кабель симларини ўрай бошлади. Ишни тугаллаган смена партия ва комсомол ташкилотчилари, касаба союз комитети раиси ва мастер бригаликда кичик йиғилишга тўпланишди: бир кунлик социалистик мусобақа натижаларига якун ясала бошланди. Смена мастери ҳар бир ишчининг бугунги кўрсаткичлари ҳақида ҳисобот берди. Йиғилиш тугагач ҳар бир ишчи қандай натижаларга эришганлиги цехга кираверишдаги «Социалистик мусобақа экрани» стендига ёзиб қўйилди.

Бирлашмамизда социалистик мусобақага ҳар куни якун ясаш мусобақанинг таъсирчанлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири эканлигини яхши биладилар. Ҳар бир ишчи кун сайин қандай натижаларга эришаётганлигини ҳам ўзи, ҳам мусобақадош дўстлари кузатиб борадилар. Илгарилари ҳар ярим ойда шахсий меҳнат беллашувлари қандай бораётганлиги йиғилишда якунланарди. Мусобақага ҳар куни якун ясашнинг афзалликлари тезда намоён бўлди. Ҳар бир ишчининг ишлаб чиқариш кўрсаткичи «Социалистик мусобақа» экранидаги ўз графаси қаршисига ёзилади. Эртасига ҳам шу иш такрорланади. Бу биринчи навбатда мусобақа таъсирчанлигини оширса, иккинчидан унинг ошкоралигини таъминлайди.

Бирлашманинг барча цехларида социалистик мусобақани тўғри йўлга қўйиш, унинг ишчилар ўртасида янада оммалашувига жиддий эътибор берилади. Шу мақсадда корхона маъмурияти ишчилар, сменалар, цехлар ўртасидаги социалистик мусобақа ўтказишнинг аниқ тадбирларини ишлаб чиқди. Бу эса қисқа вақт ичида смена коллективининг бир кунлик натижаларига якун ясаш имконини беради.

Ҳар бир мастернинг махсус журнали бўлиб, унда барча ишчиларнинг фамилиялари қайд этилган. Мусобақанинг қандай бораётганлигини белгилаш ва ишчи меҳнати натижаларини кўрсатиш учун 6 та пунктга баҳо қўйилади. Смена мастери ҳар бир ишчининг муайян натижаларини шу катакларда кўрсатади. I пунктда — ишлаб чиқариш планининг бажарилиши ва сифатига (10 баллгача), II пунктда — технологик кўрсаткичларига (4 баллгача), III пунктда иш жойининг тозалигига (4 баллгача), IV пунктда меҳнат интизомига (5 баллгача), V пунктда техника хавфсизлигига риоя қилишига (4 баллгача) баҳо берилади. VI пунктда эса жамғарилган балларнинг умумий қиймати келтирилади. Қайси ишчи 27 балл тўпласа мусобақа шартларини 100 процент бажарган ҳисобланади.

Мусобақанинг бу формаси А. Дергачев бошлиқ 2-цехда, айниқса, яхши йўлга қўйилган. Бу эса ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришиш имконини беряпти. Ўтган уч ойда цехда 1 миллион 694 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Квартал топшириқлари анча барвақт адо этилди. Пландан ташқари 94 минг сўмлик кабель тайёрланди. У. Муҳаммаджонов, Н. Гребенников, С. Арисов, Э. Шамсиев сингари илғорлар ҳозиргинг ўзидаёқ июнь-июль ойлари ҳисобига маҳсулот топширишяпти.

Сергей Арисов йил бошида беш йилликни тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган эди. Бу ҳазил гап эмас, албатта. Тажрибали ишчининг бу ташаббуси оқибатсиз қолмади. Бугун биз ишлаб чиқараётган кабеллар эртага йирик корхоналар учун электр-энергияси етказиб беради. Қудратли техникаларни бошқариш узелларидан бирига айланади. Шундай экан сон кетидан қувиб, сифатни пасайтириш сира мумкин эмас. Шунинг учун ишчилар реал имкониятлардан келиб чиқиб, зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Арисовдан ибрат олиб, куни кеча У. Муҳаммаджонов ҳам бир йўла икки ўраш станогига хизмат кўрсата бошлади. Ишчининг бундай ташаббусга қўл уришида ҳам кундалик мусобақаларга якун ясаш тадбири ёрдам берди. Чунки, Муҳаммаджонов мусобақа экранида кечагина бироз ортда қолаётганлигини кўрган эди. Бугун эса икки станокда меҳнат қилиб, юқори натижага эришиши аниқ. Эрта-индин олдинги сафларга ўтиб олади. Шундан сўнг бошқа ишчилар ҳам янги резервларни ишга соладилар. Бу эса бутун коллективнинг меҳнат кўрсаткичлари юксалишини таъминлайди.

Корхонада цехлараро социалистик мусобақани янада кенг ёйдириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида мусобақа ўтказиш шартлари ва ғолибларни мукофотлаш Низоми ишлаб чиқилган. Бу ҳар бир ишчи шахсий меҳнат беллашувида фаол қатнашиш билан бирга ўз коллективининг ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ҳам бефарқ қарамасликка ундайди.

Геофизика кабеллари цехининг ветеранлари бирлашманинг 40 йиллик тўйига бағишлаб 40 зарбдор ҳафталик ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. Бу ташаббус корхона маъмурияти томонидан маъқулланди. Ҳафталиклар ҳам бошланди. Эндиликда ҳар душанба куни барча цех мастерлари ва бошлиқлари бош директор хонасига тўпланишади. Ҳафталикда қайси цех биринчи ўринни эгаллагани аниқланади. Бир кварталда 10 ва ундан кўпроқ марта ғолиб чиққан коллективнинг квартал мукофот пули 10 процентга оширилади. 40 зарбдор ҳафталик якунига кўра 30 ва ундан ортиқ марта ғолиблик гувоҳномасини қўлга киритган цех бирлашма социалистик мусобақасида биринчи ўринни эгаллайди.

Шу йилнинг 25 ноябрида корхонамизнинг 40 йиллик юбилейини нишонлаймиз. Ҳозирги кунда барча ишчи хизматчилар бирлашма юбилейини меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришган ҳолда кутиб олишга астойдил бел боғлаганлар. Дастлабки меҳнат ғалабалари азамат кабелчиларимиз бирлашманинг 40 йиллик тўйига ёруғ юз билан боришларидан далолат бериб турибди.

А. ИБРОҲИМОВ,
Тошкент кабель ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретарининг ўринбосари.

ҲИСОБИНИ БИЛГАН ҲАМИША ЮТАДИ

БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИНГРАД» КОЛХОЗИ САБЗАВОТКОРЛАРИ МУСОБАҚАДОШЛАРИ — ЖДАНОВ НОМЛИ КОЛХОЗ ИШ ТАЖРИБАСИДАН ЯХШИ ФОЙДАЛАНМАЯПТИЛАР.

Ўтган йили ждановликлар 274 гектар ерда деҳқончилик қилишиб, жами 10 минг 600 тонна сабзавот маҳсулотлари йиғиштириб олдилар. Ленинградликлар эса 313 гектар майдонда 7600 тоннадан сал кўпроқ ҳосил етиштирдилар. Илгор хўжаликда экин майдони қариб 40 гектар кам бўлса ҳам етиштирилган маҳсулот 3000 тонна кўп. Нега шундай?

«Ленинград» колхози правлениеси раиси Акром ПРАТОВ шундай изоҳ беради:

— Бизнинг территориямизда ер ости сувлари юза жойлашган. Бундан ташқари, 100 гектардан ошиқроқ еримиз тошлоқ, камқувват. Қўшнимизнинг ерлари эса қоратупроқли, унумдор.

Бу объектив сабабни бутунлай инкор этмаймиз. Бироқ, мусобақадош хўжаликларда қишлоқ хўжалик техникасидан, минерал ва маҳаллий ўғитлардан, ишчи кучларидан қандай фойдаланилаётгани, сабзавот турларини экишдан бошлаб, ҳосилни йиғиб-териб олгунча амалда қўлланилаётган агротехник тадбирлар билан чуқурроқ танишганимизда кўпгина субъектив сабаблар ҳам борлиги маълум бўлди.

Жданов номли колхозда 7 та ҳайдов ва 28 та чопиқ ҳамда транспорт тракторлари, 32 та автомашина бор. «Ленинград» колхозида эса қўшниларига нисбатан ҳайдов тракторлари ҳам, чопиқ тракторлари ҳам 7 та кўп. Ўтган йили ждановлик механизаторлар пландаги 72 минг 590 сўмлик ўрнига 69 минг 257 сўмлик ёнилги-мойлаш материаллари сарфлаб, 3333 сўмни тежаб қолган бўлсалар, мусобақадошлари бу борада 9020 сўм иқтисод қилдилар. Бироқ, афсуски, бундай тежамкорликнинг «лекин»и бор экан. Колхоз бош экономисти Дуйсебой ҚОСИМБЕКОВ буни бизга шундай тушунтирди:

— Ноябрь ва декабрь ойларида ёнилги бўлмай, бутун транспорт тўхтаб қолди. Агар шундай бўлмаганда, пландагидан ташқари яна 2 минг сўмлик ёнилги-мойлаш материаллари сарфлаган бўлардик.

Мусобақадош хўжаликларда экинни озиқлантиришда ҳам икки хил манзарани кўриш мумкин. Масалан, Жданов номли колхозда ўтган йили экинларга пландаги 1550 тонна ўрнига 616 тонна минерал ўғит солиниб, 21 минг 726 сўм маблағ тежаб қолинди. Шуниси диққатга сазоворки, бу ўғитлар асосан каноп, маккажўхори, хашаки лавлаги, беда каби озуқа экинларига ва қисман пиёзга берилади. Сабзавот экинларига эса фақат маҳаллий ўғит солинади.

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

Шу мақсадлар учун ўтган йили далаларга пландаги 4 минг тонна ўрнига 9 минг тонна гўнг ташиб чиқарилган эди. Органик ўғитнинг шарофати билан колхоз бўйича ўртача ҳосилдорлик 387,3 центнерга етди. Айниқса, карам, помидор ва пиёздан 1,5—2 баравар кўп ҳосил йиғиштириб олинди. Минерал ўғитлар билан ўз вақтида озиқлантириб борилган каноп ҳосилдорлиги эса ўртача 280 центнерни ташкил этди.

Ленинградлик деҳқонларнинг далаларида эса минерал ва, айниқса, маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш даражаси ҳали анча паст. Ўтган йили ждановликларга нисбатан 441 тонна кўп минерал ўғит сарфланди. Аммо бу наф келтирмади. Мусобақадошларга нисбатан 13 минг 764 сўмлик кўп минерал ўғит сарфлангани ҳолда ҳосилдорлик 141,7 центнер кам бўлди, яъни 245,6 центнерни ташкил этди. Ҳатто, Тўқсон Қалимбетов бошлиқ энг юқори ҳосилли бригада ҳам Жданов номли колхознинг ўртача кўрсаткичидан анча орқада қолиб кетди.

Ждановликлар ўтган йили мусобақадошларига нисбатан 40 гектар кам ерда деҳқончилик қилган бўлсалар ҳам 514 минг 517 сўм кўп ялпи даромад, 79 минг 623 сўм кўп соф фойда олдилар. Колхозчиларнинг ўртача йиллик даромадлари 2200 сўмданга тўғри келди. «Ленинград» колхозида эса 1692 сўмни ташкил этди. Ждановликлар бир иш кунига ўртача 8 сўм 23 тийиндан, ленинградликлар эса 5 сўм 90 тийиндан ҳақ олдилар.

Ниҳоят, қилинган қиёсий таҳлилдан сўнг шундай умумий хулоса чиқариш мумкин: икки қўшни хўжалик ўртасидаги социалистик мусобақани янада тўғри йўлга қўйиш, такомиллаштириш ва таъсирчанлигини ошириш лозим. КПСС XXVI съездида ҳам социалистик мусобақанинг сафарбар этувчи кучига катта баҳо берилди. «Социалистик мусобақа — омманинг ижодидир,— деди Ўртоқ Л. И. Брежнев съездда қилган докладида.— Ўзининг моҳият-эътибори билан у одамларнинг юксак онглилигига ва ташаббускорлигига асосланган».

Ленинградликларда эса ана шу ташаббускорлик етишмайди. Мусобақадошларининг қандай қилиб юқори ҳосил ва мўмай даромад олаётганликлари билан астойдил қизиқмайдилар, ждановликлар ҳам мусобақадошлари олдидаги бурчларини сидқидилдан бажармаяптилар. Қўшнилари далаларида ўзаро текширув ўтказиб, қамчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатмаяптилар. Афсуски, йил давомида неча марта ўзаро текширув ўтказилганлиги ва у қандай натижа берганлиги тўғрисидаги саволимизга ҳар икки хўжалик раҳбарлари ҳам тайинли жавоб беролмадилар.

Мусобақадошлар бу йил юксак марраларни кўзлаб, оширилган мажбуриятлар қабул қилишган. Ждановликлар ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш ва янада бойитиш учун курашаётган бўлсалар, ленинградликлар ҳар гектар ердан 260 центнердан сабзавот, 200 центнердан каноп ҳосили олишни, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ҳам кескин оширишни мўлжалламоқдалар.

Бу юксак социалистик мажбуриятларнинг тўла ва ошириб бажарилишига эришиш учун икки хўжалик ўртасидаги анъанавий социалистик мусобақанигина эмас, балки хўжаликларнинг ўзидаги ички мусобақани ташкил этишга ҳам ижодий муносабатда бўлмоқ даркор. Ўйлаймизки, хўжалик раҳбарлари бу соҳада туб бурилиш ясаш учун барча тадбирларни амалга оширадилар.

А. ИУЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ГАП ЭМАС, ИШ БЎЛСИН

„Тошкент ҳақиқати" — Тошкент тўқимачилик комбинати реконструкциясида

ТОШКЕНТДЕК шаҳри азимда икки уста бўлган экан.

Бир куни усталар жуда каттакон иншоотни қуришга бел боғлашибди. Иморат кўкка бўй чўзибди. Фақат майда-чуйда ишларигина қолибди. Бу иккинчи устага қарашли юмушлар экан, аммо улар бунёд этган бу иншоот бошқа касбдаги усталарнинг ҳам қўлига муҳтож экан. Шу тариқа икки уста қаторига бошқа усталар ҳам чақирилибди. Анчамунча ишлар қилинибди. Бироқ, айрим усталарнинг тили бошқа, дили бошқа чиқиб қолибди. Қурилиш суръати пасайиб кетибди. Шунда бош уста кенгаш чақирибди. Вазиятни муҳокама қилишибди. Усталар бир овоздан аҳволни яхшилашга, қурилишни жадаллаштиришга сўз беришибди...

Шундан буён жуда кўп кенгаш чақирилибди. Аммо вазият ҳеч ўзгармапти. Чала қолган иморатни кўрган халқ кулиб: «Гап деса қопқоп, иш деса Самарқанддан топ» деб пичинг қиладиган бўлишибди...

Шунга ўхшаб довруғи Иттифоқимизга таралган Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари «Ташпромстрой» трестига қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармаси ва унинг ёрдамчи пудратчи ташкилотлари «уста»лари устидан кулиб юришибди. Айниқса пардозлаш фабрикаси ишчиларининг ҳуноби ошган. Ахир, мана олти ойдирки, қурувчилар уларнинг қўйнини пуч енгоққа тўлдириб келишмоқда. Салобати жуда келишган бу маъмурий-маиший бино «Лифтмонтаж», «Энергомонтаж» ташкилотларининг айби билан ҳамон фойдаланишга топширилмай келмоқда. Ҳисоблаб кўришса, нариби 10 кунлик иш қолган экан. Аммо юқоридаги ташкилотлар ишни якунлашдан кўра кенгашда масала талашиш ва ваъда беришни афзал кўришмоқда. Аллақачон топширилиши лозим бўлган ип фабрикасининг бўяш цехида ҳам аҳвол ночор ҳолдалигича қолмоқда. Компрессорларнинг ишга туширилмаганлиги сабабли цехга ўрнатилган «Хисака» маркали бўяш аппаратларининг 50 проценти бекор турибди.

Бундан ташқари, ип фабрикасининг маъмурий-маиший корпуси, марказий иссиқлик пункти, электр-, сув тармоқлари коллекторлари, подстанция аллақачон фойдаланишга топширилиши керак эди.

Корхона территориясида қад кўтараётган оқартириш-мерсеризациялаш корпуси ҳамда санаторий-профилакторий қурилишида иш деярли тўхтаб қолган. Бош пудратчи ташкилотнинг бош инженери В. Зузининг гапига кўра, бу иккала объектни смета ҳужжатларига ўзгартириш киритилган. Шу сабабли банкдан маблағ олиш борасида келишмовчиликлар юзага келган. Натижада бу объектлар қурилиши ора йўлда қолмоқда.

Корхона реконструкцияси билан шуғулланаётган бош пудратчи ташкилот — «Ташпромстрой» трести 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг ишчилари шу йилнинг январь ойида 153 минг сўмлик ўрнига 93 минг сўмлик, февраль ойида эса қурилиш объектларида 146 минг сўм ўрнига 120 минг сўмлик иш бажаришган. Март ойи кўрсаткичлари эса бундан ҳам паст. Иш шу тарзда олиб бориладиган бўлса, йил охиригача пландаги қурилиш ишларининг аранг 60 процентигина амалга оширилади. Гап шундаки, бу йил қурувчилар корхона территориясидаги объектларнинг ўзидагина 2 миллион сўмлик иш бажаришлари лозим. Бундан ташқари, генерал Узоқов кўчасида йиғиш-тўқув фабрикаси қурилиши бошланди. Бу объектда фақат шу йилнинг ўзидагина 4,5 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилиши керак Яна бу йил 3 миллион сўмлик ҳунар-техника билим юрти қурилиши бошланади.

Қилинадиган ишлар жуда кўп. Ип фабрикасининг бўяш цехи реконструкциясини тугатиш, профилакторий қурилишини жадаллаштириш, пардозлаш фабрикасининг маъмурий-маиший корпуси қурилишидаги камчиликларни бартараф этиш даркор.

Яқинда раҳбарлар иштирокида навбатдаги планёрка бўлиб ўтди. Бунда ҳозирги вазият атрофлича таҳлил қилинди. Барча қурилиш ташкилотларидан келган вакиллар аҳволни яхшилаш ва қурилиш ишларини жадаллаштиришга сўз беришди. Кўпгина тадбирлар белгиланди.

Ишқилиб, бу планёрка ҳам «уста»ларнинг «кенгаши»га ўхшамасин. Барча белгиланган тадбирлар амалга ошсин. Тўқимачиларнинг асл мақсад ва орзуси мана шу...

Н. НОРҚОБИЛОВ,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси.

Тошкент трактор заводи коллективи ўн биринчи беш йиллика пахтачилик учун мўлжалланган тракторлар ва прицеплар ишлаб чиқаришни анча кўпайтиради. Ишчи-хизматчилар бундай масъулиятли вазифани муваффақиятли уддалаш учун дастлабки ойлардан зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Ҳар куни ўнлаб трактор ва трактор прицеплари колхоз ва совхозларга жўнатилмоқда. Ушбу суратда буюртмачиларга юборишга тайёрлаб қўйилган тракторларни кўриб турибсиз.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

Тушлик вақти бўлиши билан дала шийпони гавжумлашиб кетди. Ғўза қатор ораларига ишлов бераётган механизаторлар, қатқалоқни юмшатаётган колхозчилар ўз ором-ҳоларига тўпландилар. Бу ерда уларни ошпаз Гулсара Ҳусанова тайёрлаган мазали таом кутар эди.

Бригада аъзолари тушликни қилиб бўлгач, агитатор Анвар Мадраимов кечаги кунги шахсий мусобақа натижаларини эълон қилди. Қатқалоқни юмшатишда жонбозлик кўрсатган колхозчи Санобар Фозилова шарафига меҳнат шон-шуҳрати байроғи кўтарилди.

ЧИНОЗ РАЙОНИ ХЎЖАЛИКЛАРИ ДАЛА ШИЙПОНЛАРИДА ОММАВИЙ-СИЕСИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАЖРИБАСИДАН

ШИЙПОНГА ЭЪТИБОР ДЕҲҚОНГА ЭЪТИБОР

Шундан сўнг бригаданинг ҳар бир аъзоси ўзи ёқтирган машғулот билан шуғуллана бошлади. Ёшлар волейбол майдончаси томонга йўл олишди. Бир гуруҳ колхозчилар газета ва журналларнинг янги сонлари билан таниша бошладилар. Шахмат-шашка ишқибозлари баҳси ҳам авжига чиқарди. Бу пайтда дала шийпони узра радиоладан дилрабо куй тараларди.

— Ҳа, шийпонимизда пахтакор ва механизаторларимизнинг мириқиб хордиқ чиқаришлари учун ҳамма нарса муҳайё, — дейди бригада бошлиғи Абдураҳмон Ҳусанов. — Улар бу ерда телевизор кўришлари мумкин. Кундалик эҳтиёж молларини эса сотувчисиз дўкондан харид қилишади. Шийпонга район маданият бўлимининг бадиий ҳаваскорлари, маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг кўчма устахонаси, автолавкалар тез-тез келиб туради. Агитаторларимиз Анвар Мадраимов, Шароф Бурҳонов, сиёсий ахборотчи Қолдибой Маъмуров лекция ва суҳбатлар ўтказишади. Колхоз фельдшерлик-акушерлик пунктининг ҳамшираси Лолахон Мирзажонова эса колхозчиларимизни медицина кўригидан ўтказади, зарур дори-дармонлар келтиради.

Бригада дала шийпони катта йўл ёқасидаги хушҳаво ерда жойлашган. У мевали ва манзарали дарахтлар, токлар қуршовида. Шийпон ёнидаги гулзорда атиргуллар ғунчалаган. Пайкалларда пиёз, редиска яшнаб турибди.

Бригада аъзоларига таом тайёрлашда ишлатиш учун 0,3 гектар ерга помидор, бодринг, картошка ҳам экилибди. Шийпон яқинидаги

Суратда: Охунбобоев номли колхознинг А. Ҳусанов бошлиқ бригада аъзолари тушлик пайтида шийпонда газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишмоқдалар.

А. Мальцев фотоси.

Наманганликлар ташаббуси асосида ҳар бир пахтачилик бригадасида ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Уларда сабзавот маҳсулотлари етиштирилади, чорва моллари парвариш қилинади. Далада ишлаётганлар орасида спорт ихлосмандлари кўплиги ҳисобга олиниб еттита бригада шийпони ёнида волейбол майдончалари ташкил этилди.

Дала меҳнаткашларига яратилаётган бу қулайликлар, оммавий-сиёсий ишларнинг кучайтирилиши хўжалик аъзоларига янги марраларни эгаллаш учун курашда муҳим омил бўляпти.

Тининг секретари А. Мираҳмедов. — Колхоз правлениеси партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари вакиллари, шифокорлардан иборат махсус комиссия ҳар ҳафтада бир марта барча дала шийпонларини текшириб чиқади. Уларнинг хулосасига асосан кўрик қолиблари аниқланади. Унда иккинчи ўринни олган шийпонга вимпел ва 100 сўм пул мукофоти берилади. Пул мукофотлари дала шийпонлари учун янги жиҳозлар, адабиётлар сотиб олишга ишлатилади.

Хўжаликдаги 14 та пахтачилик бригадасининг ҳаммасида дала шийпонлари мавжуд. Уларнинг 11 таси типовойдир. А. Бекмуродов, Т. Зокиров, И. Файзуллаевлар бошлиқ бригадаларнинг дала шийпонлари ҳам намунали ҳисобланади. Уларда колхозчиларнинг яхши дам олишлари учун барча шароитлар яратилган.

Ўтган йили Р. Мурталов бошлиқ бригадада шинам шийпон қурилди. Бу ерда аёллар ва эркаклар учун алоҳида-алоҳида дам олиш хоналари, ёзги шийпон, ошхона, 20—25 кичкинтойга мўлжалланган ясли бор. Бу йил 6 ва 13 бригадаларда ҳам янги дала шийпонлари қурилиши мўлжалланган.

Колхоз партия комитети дала шийпонларида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш учун барча чораларни кўрмоқда. Ҳар бир дала шийпонига учтадан агитатор ва битта сиёсий ахборотчи биркитиб қўйилган. Дала шийпонлари мудирлари район партия комитети бюроси томонидан тасдиқланади.

Охунбобоевликлар ўнинчи беш йиллик план-топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича анча ошириб бажардилар. КПСС XXVI съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун курашаётган хўжалик аъзолари бу йил ҳар гектар ердан 42 центнердан хирмон кўтариб, давлатга 6200 тонна «оқ олтин» сотишга аҳд қилганлар. Ҳозирги кунларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш авж оляпти. Колхозда экиш мавсуми бошланмасдан илгариёқ барча дала шийпонлари ремонт қилиниб, жиҳозлар ва кўргазмали агитация воситалари билан таъминланиб, мавсумга тахт этилган эди.

— Бу колхоз тажрибаси бошқа хўжаликларимизга ҳам кенг ёйиляпти, — дейди район партия комитетининг секретари Б. У. Ғуломова. — Районимиздаги мавжуд 140 та дала шийпонининг ҳаммаси 1 мартдаёқ ремонтдан чиқарилган эди. Уларни жиҳозлашни эса 26 мартгача тугалладик.

Район партия комитети қошида дала шийпонлари бўйича доимий иш олиб борадиган махсус комиссия ташкил этилган. Бу комиссия аъзолари район партия комитети, маданият ва медицина ходимларидан иборатдир. Улар группаларга бўлиниб ҳар ойда бир марта шийпонларда дала меҳнаткашларига яратилган шароит, оммавий-сиёсий ишларнинг аҳволи билан яқиндан танишадилар.

Ҳозирги пайтда дала шийпонларида 140 агитатор ва 80 сиёсий ахборотчи фаолият кўрсатмоқда. Район матлубот жамияти қишлоқ меҳнаткашларига бевосита далада хизмат кўрсатиш учун тўртта автолавка ташкил этган. Улар олдиндан тузиб қўйилган график бўйича 8—10 кунда бир марта ҳар бир дала шийпонида бўлишади. Шунингдек, қишлоқ матлубот союзларида ҳам кўчма автолавкалар ташкил этилган.

Хўжаликлар меҳнаткашларига район маданият бўлими ходимлари кўрсатаётган хизмат ҳам манзур бўляпти. Улар иккита агитбригада тузишган. Агитбригада лекторлари дала меҳнаткашлари ўртасида суҳбатлар ўтказишади. «Гулдаста» ансамбли солистлари эса куй ва қўшиқлари, рақслари билан уларни хушнуд этишади.

Дала йўлларида район маиший комбинатининг иккита кўчма устахонасини ҳам тез-тез учратиш мумкин. Бу устахона билан дала шийпонига сартарош, пойафзал ремонт қилиш бўйича уста, бичиқчи ва тикувчилар келади.

Районда кейинги йилларда типовой дала шийпонлари қуришга катта эътибор берилмоқда. Бу соҳада Киров номли колхоз правлениеси ва партия комитети ташаббус кўрсатмоқда. Хўжаликда кейинги йилларда 8 та бригадада қўшқаватли типовой дала шийпонлари қурилди. Улар қошида мавсумий яслилар ҳам бор.

«Октябрь 40 йиллиги» колхозида ҳам тўққизта бригаданинг саккизтасида типовой дала шийпонлари мавжуд. Ўтган йили З. Эгамбердиева бошлиқ бригадада ана шундай шийпонлардан яна биттаси қад кўтарди.

Район партия комитети, хўжаликлар раҳбарлари ва партия ташкилотларининг дала шийпонларини жиҳозлаш, уларда оммавий-сиёсий ишларни юқори поғонага кўтариш соҳасида олиб бораётган кундалик ташкилотчилик ишлари туфайли бу жойлар том маънода қишлоқ меҳнаткашларининг иккинчи уйига, пропаганда ва агитация ишлари марказига айланяпти. Меҳнаткашларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма нарса муҳайё қилинганлиги натижасида улар яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Зеро, яхши дам — меҳнатга ҳамдамдир. Шунинг учун чиноз-ликларнинг бу тажрибаси диққатга сазовор.

Э. ЭРНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги бирлашмалари, ташкилотлари ва корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида.

Ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган ютуқлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Серпиков Михаил Яковлевич — Тўйтепадаги металлоконструкциялар заводи директори.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Синилов Леонид Иванович — Олмалиқ металлоконструкциялари тажриба экспериментал заводи йўғувчи слесарлар бригадири.

Хошимов Каримбой — Тўйтепадаги металлоконструкциялар заводи электр пайвандчиси.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Андреев Андрей Иванович — «Узэлектромонтаж» трести Олмалиқ монтаж бошқармаси электр слесари.

Жўраев Абдуҳалил — «Узпромвентиляция» трести Олмалиқ кўчма механизация колоннаси слесарь-монтажчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Витевская Тамара Владимировна — Олмалиқ металлоконструкциялар тажриба экспериментал заводи электр пайвандчиси.

Полюдов Михаил Николаевич — Тўйтепадаги металлоконструкциялари заводи қирқувчиси.

Хамутдинов Возихзян Тимерзянович — «Узстальконструкция» трести Олмалиқ монтаж бошқармаси монтажчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Велиуляев Файк — «Средазтепломонтаж» трести Олмалиқ «Стройтермоизоляция» бошқармаси ишчиси.

Гапченко Александра Афанасьевна — Тўйтепадаги металлоконструкциялар заводи бўёқчиси.

Котляров Валерий Васильевич — 93-трест Чирчиқ монтаж бошқармаси электр пайвандчиси.

Купцов Лев Арсеневич — 93-трест Чирчиқ монтаж бошқармаси слесарь монтажчилар бригадири.

Лян Володим — Тўйтепадаги металлоконструкциялар заводи слесари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Зокиров Ҳасан Шокирович — «Ташсантехгазмонтаж» трести 1-монтаж бошқармаси слесарь сантехниклар бригадири.

Клеблеев Акром Ибрагимович — «Электромонтаж» трести бошқарувчиси.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Қосимов Убайдулла Абдуллаевич — Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри ўринбосари.

Утеков Ўрозбой Утекович — «Узсантехгазмонтаж» трести бошқарувчиси.

Йўлдошев Комил Раҳмонович — «Союзвзрывпром» трести Тошкент ихтисослашган бошқармаси бошлиғи.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Муҳамаджонов Илсур Илмонович — Тошкент автобазаси автомобиль ҳайдовчиси.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Бочаров Георгий Николаевич — 93-трест Тошкент «Энергомонтаж» бошқармаси электр пайвандчиси.

Билим Пётр Иванович — «Ташсантехгазмонтаж» трести Тошкент монтаж бошқармаси экскаватор машинисти.

Зиганшин Илдар Хуснуллаевич — «Узстальконструкция» трести Тошкент монтаж бошқармаси монтажчилар бригадири.

Матқурбонов Ҳолбой — «Средазтепломонтаж» трести Тошкент қурилиш-монтаж бошқармаси ишчиси.

Нурматов Қўзибой — «Сантехоборудование» Тошкент тажриба экспериментал заводи слесарь сантехниклар бригадири.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Антонов Александр Иванович — Тошкентдаги енгил металлоконструкциялар экспериментал заводи бўёқчилар бригадири.

Аҳмедов Шукур — Тошкент автобазаси автомобиль ҳайдовчиси.

Загороднев Николай Николаевич — «Узпромвентиляция» трести Тошкент бошқармаси созловчиси.

Иванов Леонид Никифорович — Тошкентдаги «Сантехоборудование» тажриба экспериментал заводи электр пайвандчилар бригадири.

Маллабоев Тўқинбой — «Ташсантехгазмонтаж» трести монтаж бошқармаси бош инженери.

Ҳайдаров Сатор — «Средазтепломонтаж» трести Тошкент марказий омбор ишчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Аношин Павел Дмитриевич — «Узэлектромонтаж» трести Тошкент ишга туширириш созлаш бошқармаси катта инженери.

Зинин Николай Андреевич — «Ташсантехгазмонтаж» трести Тошкентдаги 3-монтаж бошқармаси слесарь-сантехниклар бригадири.

Чуфарнов Александр Григорьевич — «Ташсантехгазмонтаж» трести Тошкентдаги 1-монтаж бошқармаси слесарь-сантехниклар бригадири.

Шамсутдинова Рима Шагалиевна — «Средазтепломонтаж» трести Тошкентдаги 1-ихтисослаштирилган бошқарма изолировкачилар бригадири.

Юсупов Мурвали — Тошкентдаги енгил металлоконструкциялар экспериментал заводи бригадири.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1981 йил, 18 март.

ДАЛАЛАРНИ ЯШНАТАЁТГАНЛАР

БАҲОР айни кучга кирди. Дов-дарахтлар гулдан ясирга тақди. Далалар яна-да гавжум бўлиб қолди. Деҳқоннинг юмуши кўпайди. Қаёққа қараманг саҳий замин узра бир текисда саф тортиб турган ям-яшил ниҳолларга кўзингиз тушади. Полиэтилен плёнкаси тагида ўстирилган экинлар аллақачон ҳосил туга бошлаган.

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозда бўлганимизда бундай манзарани кўриб ғоятда завқландик.

— Хўжалигимиз деҳқонлари ўнинчи беш йиллиқнинг якуновчи йилида ҳам қувончли ютуқларни қўлга киритдилар,— дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Убайдулла Самигов. — Давлатга 11400 тонна сабзавот, 436 тонна мева ва узум маҳсулотлари етказиб берилди. Ҳар гектар сабзавот майдонидан ўртача 260 центнердан ҳосил олиндик. Бу йилги режаларимиз янада улкан. Йил охиригача 13 минг тонна сабзавот, 1600 тонна картошка, 1200 тонна узум ва мева, кўплаб дон, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга аҳд қилганмиз. Далаларда ана шу ваъдага яраша иш олиб борилмоқда.

Шомурод Маҳқамов бошлиқ бригада сабзавоткларини мусобақада доимо биринчи. Ҳозирги кунда бу коллектив далаларида бодринг ишлов берилмоқда. Карам ниҳоллари озиқлантирилмоқда. Яна бир томонда деҳқонлар редиска узнинг секретари А. Мираҳмедов. — Колхоз правлениеси партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари вакиллари, шифокорлардан иборат махсус комиссия ҳар ҳафтада бир марта барча дала шийпонларини текшириб чиқади. Уларнинг хулосасига асосан кўрик қолиблари аниқланади. Унда иккинчи ўринни олган шийпонга вимпел ва 100 сўм пул мукофоти берилади. Пул мукофотлари дала шийпонлари учун янги жиҳозлар, адабиётлар сотиб олишга ишлатилади.

Хўжаликдаги 14 та пахтачилик бригадасининг ҳаммасида дала шийпонлари мавжуд. Уларнинг 11 таси типовойдир. А. Бекмуродов, Т. Зокиров, И. Файзуллаевлар бошлиқ бригадаларнинг дала шийпонлари ҳам намунали ҳисобланади. Уларда колхозчиларнинг яхши дам олишлари учун барча шароитлар яратилган.

Ўтган йили Р. Мурталов бошлиқ бригадада шинам шийпон қурилди. Бу ерда аёллар ва эркаклар учун алоҳида-алоҳида дам олиш хоналари, ёзги шийпон, ошхона, 20—25 кичкинтойга мўлжалланган ясли бор. Бу йил 6 ва 13 бригадаларда ҳам янги дала шийпонлари қурилиши мўлжалланган.

Колхоз партия комитети дала шийпонларида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш учун барча чораларни кўрмоқда. Ҳар бир дала шийпонига учтадан агитатор ва битта сиёсий ахборотчи биркитиб қўйилган. Дала шийпонлари мудирлари район партия комитети бюроси томонидан тасдиқланади.

Наманганликлар ташаббуси асосида ҳар бир пахтачилик бригадасида ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Уларда сабзавот маҳсулотлари етиштирилади, чорва моллари парвариш қилинади. Далада ишлаётганлар орасида спорт ихлосмандлари кўплиги ҳисобга олиниб еттита бригада шийпони ёнида волейбол майдончалари ташкил этилди.

Дала меҳнаткашларига яратилаётган бу қулайликлар, оммавий-сиёсий ишларнинг кучайтирилиши хўжалик аъзоларига янги марраларни эгаллаш учун курашда муҳим омил бўляпти.

Охунбобоевликлар ўнинчи беш йиллик план-топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича анча ошириб бажардилар. КПСС XXVI съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун курашаётган хўжалик аъзолари бу йил ҳар гектар ердан 42 центнердан хирмон кўтариб, давлатга 6200 тонна «оқ олтин» сотишга аҳд қилганлар. Ҳозирги кунларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш авж оляпти. Колхозда экиш мавсуми бошланмасдан илгариёқ барча дала шийпонлари ремонт қилиниб, жиҳозлар ва кўргазмали агитация воситалари билан таъминланиб, мавсумга тахт этилган эди.

— Бу колхоз тажрибаси бошқа хўжаликларимизга ҳам кенг ёйиляпти, — дейди район партия комитетининг секретари Б. У. Ғуломова. — Районимиздаги мавжуд 140 та дала шийпонининг ҳаммаси 1 мартдаёқ ремонтдан чиқарилган эди. Уларни жиҳозлашни эса 26 мартгача тугалладик.

Сабзавотдан барвақт ҳосил етиштирган деҳқон эл дастурхонини тўкин қилиш билан бирга мўмай даромад ҳам олади. Буни бригаданинг ҳар бир аъзоси жуда яхши билади. Масалан, карамнинг эрта узилган ҳосилига давлат 54 тийиндан, бодринггга эса 1 сўм-у 50 тийиндан ҳақ тўлайди.

Дала кезишни давом эттирамиз. Хўжаликнинг 8-бригадаси экин майдонларига етиб келганимизда кун тиккага келган, борлиқ узра ажиб манзара намоён эди. Бригадирни сўрадик. Ўнн даладан топасиз, дейишди.

— Ана у, —деди Убайдулла ака йўл бўйидаги пайкалда қўлини соябон қилиб турган кишини кўрсатиб.

Машинадан тушиб Акром Зоҳидов томон юрдик.

— Э-э келинглар. — дел кутиб олди бизни бригадир очиқ чеҳра билан. — Тушликка кетаётган эдим, қарасам колхознинг экскаватори ўтиб қолди. Менга зарур эди. Зовур қазитмоқчиман. Сўнг бригадир гапини давом эттирди:

Сўнгги йилларда помидор ниҳолларимиз энди ҳосилга кирганида турли касалликлар, айниқса, шира тушиб нобуд бўла бошлади. Биз унинг чорасини изладик. Ўтган йили тажриба учун помидор экилган майдоннинг бир қисмига маҳаллий ўғитни ҳар теримдан кейин шарбат усулида оқизиб туришга хизмат қилади.

Биз колхознинг қайси бригадасида бўлмайлик, деҳқонларнинг КПСС XXVI съезди тарихий қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, эзгу ниятларини ўрганиш бўйича социологик тадқиқотлар олиб борадилар.

Ф. МУҲИДДИНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

РЕПОРТАЖ

бошчилик қилаётган 10-бригада далаларида ҳам иш қизғин.

— Мана, бу карамларга эътибор бернг-а, — дейди бригадир,— авжи яхши. Ғалаба байрамигача шаҳарликлар дастурхонига янги карам етказиб берамиз.

— Ўн биринчи беш йиллиқнинг дастлабки йилида эса гектаридан 400 центнердан жами 900 тонна сабзавот етиштирамиз. Бунинг учун барча имкониятлар бор. Бугундан бошлаб помидор экишни ҳам бошлаб юбордик.

Шомурод аканинг мусобақадоши Аҳрор Содиқов

УНУТИЛМАС ХОТИРА

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

Республика телевиденнеси кино программалари бош редакцияси ўзбек театр ва киносининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган атоқли санъаткорлар, саҳна ва экран усталари ҳақида туркум эшиттиришлар намойиш қилишни давом эттирмоқда. Хусусан, «зангори экран» мухлислари эътиборига ҳавола қилинган СССР халқ артистлари Олим Ҳўжаев, Шукур Бурҳонов каби санъатимизнинг йирик намоёндалари ижодига бағишланган кўрсатувлар томошабинларга гоят манзур бўлган эди.

Кечаги якшанба куни эса миниг-миниглаб томошабинлар ўзбек театр ва кино санъатининг йирик вакилларидан бири, СССР халқ артисти Аббос Бакировнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган кўрсатувни катта қизиқиш билан қарши олдилар.

Кўрсатув Аббос Бакиров билан 1974 йил 18 октябрида бўлган ва ёзиб олинган суҳбат билан ғоят уйғунлашиб кетди. Телетомошабинлар марҳум санъаткор, улкан талант эгаси билан мулоқотда бўлдилар. У ўз мухлисларига серқирра ижоди ва ҳаётидан қизиқарли, жонли лавҳалар сўзлаб берди, унинг ёрқин сиймоси томошабинлар қалбидан янада чуқурроқ жой олди. Санъаткорнинг умр йўлдоши — Ўзбекистон ССР халқ артисти Қамара Бурҳашева сўзлаб берган хотиралар эса кўрсатувнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилди.

Маълумки, Аббос Бакиров атоқли драматик артист бўлиши билан бирга таланти киноактёр ҳам эди. У Комил Ерматов, Йўлдош Аъзамов каби устоз режиссёрларнинг кўпгина фильмларида хилма-хил образлар яратди, ўзбек кинематографияси ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Кўрсатувда таъкидланганидек, у «халқимизга катта эсдалик қолдириб кетди».

Телекўрсатув давомида Аббос Бакиров иштирок этган ва эндиликда ўзбек кино санъатининг бебаҳо мулкига айланган «Азамат», «Икки дил достони», «Амирликнинг емирилиши», «Абу Али ибн Сино», «Қора консулнинг ҳалокати», «Ер фарзанди», «Ўтган кунлар» каби бадиий фильмлардан кадрлар намойиш қилинди. Бу эса унинг серқирра ижодини тўлиқроқ акс эттириш имконини берди.

Кўрсатувда иштирок этган СССР халқ артистлари Шукур Бурҳонов ва Йўлдош Аъзамовлар атоқли санъаткор ҳақидаги хотираларини эслашиб, у ўйнаган фильм қаҳрамонлари санъат мухлисларининг қалбидан мустаҳкам ўрин олганини таъкидладилар. Шунингдек, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳ. Олимжонов ва рассом Э. Қаландаровлар ҳам санъаткорнинг эзгу орзуларини садоқатли шогирдлари рўёбга чиқараётганлиги ҳақида сўзладилар.

Ўзбекистон телевиденнеси кино программалари бош редакциясининг бу хайрли ишини табриклаган ҳолда, унинг келгуси кўрсатувлари ҳам янада изчил бўлиши ва ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойиб боришига тилакдошмиз.

Илмий-амалий конференция

Бутуниттифоқ пахтачилик институтида органик ўғитлардан фойдаланиш ва уни қайта ишлаш масалалари бўйича илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Украина илмий-текшириш институтининг лаборатория мудири, техника фанлари кандидати Н. К. Линник, Бутуниттифоқ «Радуга» илмий-саноат бирлашмаси лаборатория мудири, техника фанлари кандидати А. М. Буцикин, қишлоқ хўжалиги экономикаси Бутуниттифоқ илмий-текшириш институтининг лаборатория мудири, техника фанлари кандидати А. А. Ковалев ўртоқлар сўзга чиқдилар. Улар чорвачилик маҳсулотларини саноат асосида етиштириш жараёнида маҳаллий ўғитни қайта ишлаш ва уни қўллаш технологияси тўғрисида гапирдилар.

Н. ФАТХУЛЛАЕВ.

ҲАМКОРЛИК

ТОШКЕНТ. Тошкент халқ хўжалиги институти ва Марказий универсал магазини комсомол-ёшлари ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузишдилар. Шартномага мувофиқ, студентлар ёш савдо ходимлари учун лекторий очишади, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқишларини уюштирадилар, спорт мусобақалари ташкил этишадилар. Шунингдек, савдо экономикаси факультети студентлари харидорлар талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш бўйича социологик тадқиқотлар олиб борадилар.

С. ОРИПОВА.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Гўшт ва сут саноати министрлиги бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотлари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида.

Ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришдаги эришган ютуқлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА:

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Икромов Миршариф — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Султонов Мартулай Ғапурович — Чирчиқ гўшт комбинати ишчиси.

Тожиев Абдулла — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Кривопалов Михаил Прохорович — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Рўзиев Ҳасан Ғуломович — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Самиғов Темир Қучқорович — «Узмясомолспецавтотранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўрта Овул автобазаси автомобиль ҳайдовчиси.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Аҳмаджонов Тўрабой — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Баканов Николай Григорьевич — Ангрен гўшт комбинати ишчиси.

Латипов Тешабой — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Зуева Нина Ивановна — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Қудабоев Ҳадам Ҳамзаевич — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Янгаева Нурия Зеруллов-на — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Исоқов Турсунбой — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Қобилбоев Нарзулла — Бекобод гўшт комбинати ишчиси.

Мальцева Дина Васильевна — Олмалиқ гўшт комбинати колбаса маҳсулотлари қолипловчилар бригадири.

Марарова Наталья Федоровна — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Слепокурова Нина Ивановна — Бўстонлиқ сутчилик заводи холодильникчилар қурилмаси машинисти.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Мираҳмедова Мастура — Тошкент сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Мамажонов Йўлдош — Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министри.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Мирали — Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрининг биринчи ўринбосари.

Могилевцев Анатолий Иванович — Тошкент сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Еқубова Ҳамида — Тошкент сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Азимова Муҳаррам Еқубовна — Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги марказий конструкторлик лойиҳа-технология бюроси ишчиси.

Орипов Собиржон Мамасолиевич — Тошкент сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарь-ремонтчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Отаханова Осиё Аминжоновна — Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги марказий конструкторлик лойиҳа-технология бюроси бўлим мудири.

Тошхўжаев Аъзам Акбарович — Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги республика ремонт-қурилиш созлаш бошқармаси слесари.

Хачиянц Эдуард Арменакович — «Союзмясомолмонтаж» трести Ўрта Осиё ихтисослашган монтаж-созлаш бошқармаси участка бошлиғи, Тошкент шаҳри.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Қодиров Усмон — «Узмясомолспецавтотранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент автобазаси автомобиль ҳайдовчиси.

Коронцевич Маргарита Михайловна — Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги республика контроль ишлаб чиқариш лабораторияси бўлим мудири.

Маҳамадалиева Қутби Ҳикматуллаевна — Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги бўлим бошлиғи.

Содиқов Солиҳ — «Союзмясомолмонтаж» трести Ўрта Осиё ихтисослашган монтаж-созлаш бошқармаси слесарлар бригадири, Тошкент шаҳри.

Фокеев Николай Михайлович — «Узмясомолспецавтотранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент автобазаси автомобиль ҳайдовчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1981 йил, 17 март.

АБРОР ҲИДОЯТОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

САНЪАТИМИЗ ФАХРИ

Аброр Ҳидоятов 1900 йилнинг 26 майида Тошкентнинг Шайхонтаҳур даҳа, Дегрезлик маҳалласида дунёга келди. Унинг отаси Ҳидоятхўжа Раҳматиллахўжа ўғли сувоқчи эди. Аммо унинг табиатида сўзга чечанлик, халқ ҳикоялари, байтларини севиш ва асраш хусусияти кучли бўлиб, маҳалладаги маросимлар у бўлмаса нурсизгина ўтар эди. Онаси Пошшахон Ҳожихон қизи саводлик аёл бўлиб, мактаб тутар, маҳалла қизлари ундан сабоқ олишарди.

Бўлажак санъаткор шу оилада ўсди, улгайди. У дастлаб эски усулдаги мактабга ўқишга борди. 1907—12 йиллар мобайнида савод чиқарди. 1912—16 йилларда рус-тузем мактабида ўқиб, бу мактабнинг 4-синфини тугатди.

1917 йил Октябрь инқилобидан кейин «Ватан» номли совет мактабида сабоқ ола бошлади ва шу мактаб қошидаги театр тўгарагида қатнашди. 1918 йилда мактабга атоқли санъаткор Маннон Уйғур келади. Ҳаваскорлар билан танишгач, Аброр Ҳидоятовни «Турон» труппасига таклиф этади.

Санъаткорнинг ўзига хос овози ўша пайтдаёқ кўпчиликнинг эътиборини жалб этганди. Албатта, кўпроқ режиссёр Маннон Уйғурни... Аброр Ҳидоятов «Турон», Карл Маркс номли труппаларда саҳналаштирилган турли спектакларда эпизодик ролларда чиқади, 1919 йилда труппа Фарғона фронтига маданий-оқартув поезди составида боради. Поезд Қўқонда тўхтаб, актёрлар бир неча спектакль қўядилар. Атоқли санъаткор Муззаффар Муҳамедовнинг хотирлашларича, ўша ерда кўрсатилган спектакллардан бири «Қотили карима» эди. Бу асар асли французлардан олинган бўлиб, уни Абдулла Авлоний татарчадан ўзбекчага таржима қилганди. «Аброр Ҳидоятов спектакллари Мотюр образини ўйнаб, — дейди М. Муҳамедов, — ўзини катта ролларни, характерли ва трагик ролларни ўйнашга иқтидорлик эканини кўрсатди».

Хуллас, фронт шароитида кўрсатилган спектакль Аброр Ҳидоятовнинг актёрлик имкониятлари кўзга яққол ташланди. У кичик, катта ролларни ижро этиб чиниқа борди. Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» музикали драмасида бош қаҳрамон Неъмат ролини ўйнади.

1921 йил 7-декабрда Ўлка ўзбек труппаси немис классиги Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» трагедиясини илк бор саҳналаштирди. Бу спектаклда унга Вурм образи топширилди. Ушбу образ ҳақида ўзбек театр танқидчиси, драматурги Ғозн Юнус «Қизил Байроқ» газетасида: «Вурм (президент саркотиби) ролини ўйнагувчи Аброр ўзига топширилган энг бир масъулиятли ролда, Вурм каби тинч халқни ҳонавайрон қилувчи шум қадам бир жосуснинг ҳаракатини том маъноси билан саҳнада жонлантириб ўйнаганлиги кўринди. **Шу бу кун ўзбек саҳнаси буюк бир маҳоратли артистга эга бўлиши билан ўзини бахтнёр санаса мумкиндир»**,— деб ёзган эди.

Санъаткор Москвада очилган ўзбек театр студияси иш бошлангунга қадар қатор ролларни ўйнадики, асарларнинг номиёқ ролларнинг салмоғини кўрсатиб турибди:

П. Джакомметтининг «Жиноятчи оиласи»да Аббат, У. Ҳожибековнинг «Аршин мол олон»ида Аскер, Шиллернинг «Қароқчилар»ида Франц Моор, «Лайли ва Мажнун»да Мажнун образларини яратди.

Студияда рус театрларининг атоқли санъаткорларидан таҳсил олди. Рус драматургиясининг нодир намуналари билан танишди. Москва театрларининг спектакларини томоша қилди. Чинакам театр санъати билан ошно бўлди. Аброр Ҳидоятов Н. В. Гоголнинг «Ревизор»ида шаҳар ҳокими Сквозник — Дмухановский, Мольернинг «Хасис» комедиясидаги Горпагон, К. Гоццининг «Маликаи Турандот» асарида шаҳзода Қалаф образларини ижро этди.

Москва ва Боку театр студияси ва билим юртини тамомлаб келган артистлардан давлат труппаси (1927) тузилди. Аброр Ҳидоятов шу театрда актёр бўлиб ишлай бошлади.

Санъаткорнинг фаолиятига назар ташлар эканмиз, унинг ҳар бир ижоди ютуғи матбуот саҳифаларида ўз вақтида ёритилганининг гувоҳи бўламиз. Чунончи, Ҳамза номидаги театр Шекспирнинг «Гамлет» асарини саҳналаштириш арафасида матбуотда «Етуклик учун имтиҳон» сарлавҳали мақола босилди. Мақолада «Шекспирнинг қўйилуви театримизнинг пухталикка имтиҳон тутиши бўлса, Аброрнинг Ҳамлет ролида чиқуви унинг етукликка оёқ босуви бўлади», — дейилади ва артистнинг бир неча ролларига қисқа характеристика берилади.

Аброр Ҳидоятов Гамлетни ўйнай олишига матбуот ва томошабинлар оммаси ишонарди, жумладан асар постановкачиси Маннон Уйғур ҳам. У ўз эсдаликларида бундай ёзганди: «Йигирманчи йилларнинг бошларида мен Аброрни ёш ҳаваскор сифатида Мажнун ролида кўрганимда, ундан зўр трагик кучга эга бўлган актёр сиришиб чиқишига ишонган эдим.

Мен Москвада II МХАТ (Москва Бадиий Академик театри)да ажойиб спектакль «Гамлет»ни кўргач, уни ўзимизда ҳам қўямиз, Гамлет ролини Аброр ўйнайди деган қарорга келдим».

Санъаткор Москвада (Москва Бадиий Академик театри)да ажойиб спектакль «Гамлет»ни кўргач, уни ўзимизда ҳам қўямиз, Гамлет ролини Аброр ўйнайди деган қарорга келдим».

Санъаткор дониёлик шаҳзоданинг руҳий дунёсидаги қарама-қаршиликларни рўй-рост, бутун бўй-басти билан очди. Қаҳрамоннинг фожиасини тўла-тўкис кўрсатди.

Ушбу спектаклни кўрган чех халқининг буюк фарзанди Юлиус Фучик шундай деган эди:

«Тилни билмайсану, шундай бўлса ҳам Шекспирнинг ҳар бир сўзини эшитиб турасан. Актёр ўз ифодаси, юриш-туриши, қўл ҳаракатлари билан ҳам гапиради — бу катта, зўр саҳна санъатидир... Бу қадар яхши қўйилган «Гамлет» Европа театрининг энг яхши театрлари билан рақобат қила олади».

Ленин мукофоти лауреати, академик шоир Ғафур Ғулом Аброр Ҳидоятовга бағишланган мақоласида «Ахир — 27 кун қаторасига қўйилган спектаклни Шекспир ёзиб, Аброр ўйнаган эдида!», деб фахрланган эди.

Ижодкорнинг фаолиятида ранг-баранг роллар кўп. Уларнинг талайгинасини рус классиклари ва рус совет драматургларининг асарларида ўйналган роллар ташкил этади. Григорий Гай (Н. Погодин «Менинг дўстим»), Шванда (К. Гренев «Любовь Яровая»), Сквозник-Дмухановский (Н. В. Гоголь «Ревизор»), Мартинов (С. Левитин «Ҳукм»), Знобов (Вс. Иванов «Бронепоезд 14—69»), Гранатов (А. Файко «Портфелли киши») ва бошқалар фикримизга далил бўла олади.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги Ғофир образи эктёрнинг ўзбек совет классикасидаги (1939 йил) ижодий ютуғидир. Ғофир— Аброр Ҳидоятов эзилган, замона зарбига учраган, адолатпараст, соф виждонли, чин муҳаббатли ўзбек йигити. У ҳам ишонувчан ва содда. Актёр бу йигитнинг ички дунёсини, руҳиятидаги ўзгаришини, қаҳрамони ҳаётидаги трагизмни кўрсата олди.

Бу улкан воқеадан икки йил кейин санъаткор ўз биографиясига яна бир зарварақ қўшди. 1941 йил бошида Шекспирнинг «Отелло» трагедиясида Отелло ролини ўйнади. Ўйнаганда ҳам қотириб қўйди. У бу ролни ўн етти йил бадалида 500 марта ижро этди.

СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятов яратган Отелло — серрашк, қўпол мавр эмас, балки ҳар нарсага ишонувчи, улкан қалб эгаси, муҳаббат фидойиси бўлган кишидир. Унинг муҳаббати Ғофирникидай ўткир, эҳтиросли ва оловкор, сутдек оқ, булоқ сувидек тиниқ ва покиза. У шу муҳаббатини пок сақлашга ҳаракат қилади. Аммо ғаламислар ўргимчак тўрини ташлашади. Осуда ҳаётга раҳна солишади. Отелло — Аброр Ҳидоятов кўп нарсани ҳис қилади. Ҳиссиёти ўткир, туйғулари пок. Шуннг учун ҳам ишонувчан ва ғамгин. Бу ҳақда санъаткор: «Шекспирнинг дўсти Ричард Бербедж маврни «ғамгин» ўйнар эди ва албатта бу талқинда Шекспирнинг ўзи ҳам иштирок этган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмасдир. Отелло образида мен шу «ғамгин мавр» бўлиб ўйнашга тиришаман», деб ёзган эди.

Бу спектаклни кўрган англиялик давлат арбоби Х. Жонсон театр «Эсдалик дафтари»га қуйидагиларни ёзиб қўйган:

«Шекспир ҳаёт бўлса-ю, ўз Отелло ва Дездемонасини Ҳамза театри саҳнасида кўрса эди, унинг улкан ижрочи санъаткорлари билан ҳақли суратда фахрланган бўлур эди».

Буюк санъаткорнинг яна талайгина роллари ҳақида гапириш мумкин. У ҳақда қанча гапирилса, ёзилса шунча оз. Лекин Ғафур Ғулом ёзганидай: «Ҳар бир умрнинг якуни, ўз ҳаққу-ҳисоби бор. Аброрнинг номини унинг ўз халқига қилган хизмати, шу халқнинг шоншарафи, маданияти, санъати, давлат ва эътиборини кўтаргани учун узоқ йиллар ҳормай-толмай қилган меҳнати абадийлаштирадир».

Сирожиддин АҲМЕДОВ.

ШАХТЁРЛАРГА ИЖОДИЙ АРМУҒОН

«ИШЛАБ чиқариш ва санъат ҳамкорлиги» шиори областимизда кенг қулоч ёймоқда. Ўзбек композиторларининг бу борадаги ишлари ҳам диққатга сазовордир.

Бир неча йилдирки, республика композиторлар союзи Ангрендаги «Ўзбекшахтострой» трести коллективи билан яқин ижодий алоқа боғлаб келмоқда. Музика дарғалари ёрдами билан бу ерда музика маданияти лекторийси очилди. Севимли қўшиқлар муаллифлари ва кончиларнинг учрашувларя ташкил этилди.

Яқинда яна бир қувончли воқеа юз берди. Атоқли композитор Э. Солиҳов шахтёрларга бағишлаб янги қўшиқ басталади. Бу жозибадор музика асари текстини эса «Ўзбекшахтострой» трестининг бошқарувчиси Л. Терман ёзган.

С. ОДИЛОВА,
жамоатчи мухбир.

ТОШКЕНТДА МЕҲНАТКАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ 1 МАЙ НАМОЙИШИ ҲАҚИДА

Халқаро 1 Май байрами куни В. И. Ленин номли майдонда Тошкент шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг умумшаҳар намойиши бўлади.

Намойиш соат 10 да бошланади.

Намойишда қатнашадиган меҳнаткашлар вакиллари корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бўйича йиғилиш пунктларида тўпланиб, район колонналари составида белгиланган маршрут билан В. И. Ленин номли майдонга борадилар.

Таклиф билети бўлганларни В. И. Ленин номли майдонга қўйиш соат 9 дан 45 минут ўтганда тўхтатилади.

Махсус пропускка эга бўлган автомашиналардан ташқари барча транспорт воситалари ҳаракати шаҳарнинг марказий қисмида — Навоий, Энгельс, К. Маркс, Пролетар, Ш. Руставели, Ўзбекистон кўчаларя, В. И. Ленин номли проспектда соат 7.00 да тўхтатилади ва меҳнаткашлар намойиши тугагандан сўнг қайта бошланади.

1 Май куни Тошкент метрополитени эрталаб соат 6.00 дан тунги соат 2.00 гача ишлайди. Соат 8.00 дан 13.00 га қадар «Пахтакор» ва «Октябрь революцияси» станцияларининг фақат чиқиш қисми ишлайди. «В. И. Ленин номли майдон» станцияси бу вақтда ёпиқ бўлади. Соат 13.00 дан бошлаб метрополитеннинг барча станциялари одатдагидай ишлай бошлайди.

ШАҲАР КОМИССИЯСИ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2 май соат 17.00 да

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

М. Қорнёқубов номидаги ўзбек давлат филармониясининг «ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Солистлар:

Фахриддин УМАРОВ

Ҳожиабар ҲАМИДОВ, Тоштемир ТОҲИРОВ Ҳасан ҚАРИМОВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Гулнора ОДИЛОВА Таваккалхон ТУРСУНОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ойдин ТОҲИРОВА ва Мавжуда ХОЛДОРОВА олиб борадилар.

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари — композитор Султон АНВАРОВ.

Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ОБЛАСТИДАГИ МАКТАБЛАРНИНГ ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНЛАРИДА ҚАТНАШИШГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНЛАРИ ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ

28 апрель соат 15.30 да

Геология ва география факультетларида (Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, Бош корпус).

29 апрель соат 15.30 да

Физика ва математика факультетларида (Студентлар шаҳарчаси, физика факультети биноси).

Тарих ва фалсафа-экономика факультетларида (Энгельс кўчаси, малака ошириш институти биносида).

Ўзбек, рус, шарқ, роман-герман филологияси факультетларида (Ҳадра майдони, филология факультетларининг биносида).

Очиқ эшиклар кунларида факультетларда факультет раҳбарлари билан учрашув, кафедра ва лабораториялар бўйича экскурсия, факультет агитбригадасининг чиқишлари ва олимпиада (сўнгра берилган савол ва масалалар жавоби муҳокама қилинади).

4 май соат 15.30 да

Тошкент шаҳри ва областидаги мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ва университет олимлари, ўқитувчилари ва студентлари билан ТошДУ Маданият саройнинг катта залида якуниовчи учрашув, Олимпиада ғолибларини мукофотлаш. Студентлар бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг концерти (Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ маданият саройи).

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЭСДА ТУТИНГ: ювиш бочкалари ва кранлардан сув оқиб туриши квартирангизни сув билан таъминлашни қийинлаштиради, сувдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақнинг кўпайишига олиб келади.

Кранлардан фойдаланиб бўлгач, уларни маҳкамлаб беркитинг.

Томорқаларни ва дов-дарахтларни водопровод суви билан суғориш, йўлкалар, ҳовлилар, майдонлар ва ҳиёбонларга водопровод суви сепиш қатъиян маън қилинади.

Мабодо, водопровод суви билан экинлар суғорилаётгани маълум бўлиб қолса, қўшимча огоҳлантирилмай туриб водопровод беркитиб қўйилади.

Кўчадан ўтган водопровод тормоғидан сув оқаётганини кўрганда бепарво ўтиб кетманг.

Водопровод бузилганлиги, ер остидан сув қайнаб чиқаётгани ёки кўчадаги бузуқ колонкани кўрганингиз заҳоти қуйидаги телефонлар орқали хабар қилинг:

Ҳамза ва Ленин райони — 96-32-51, 96-24-32;
Собир Раҳимов ва Октябрь районлари — 46-99-56, 46-99-57;
Киров райони — 35-14-02, 35-04-01;
Фрунзе, Чилонзор, Ал. Икромов ва Сергели районлари — 78-32-40, 78-82-17;
Куйбишев райони — 62-19-33, 62-19-34;
Марказий диспетчерлик хизмати — 33-15-95, 33-75-95.

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ШАҲАР КАНАЛИЗАЦИЯСИ КЎРСАТГАН ХИЗМАТ УЧУН СЧЕТНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШ ЛОЗИМ.

Люкларни очиш ва кўчадан ўтган водопровод-канализация қудуқларига тушиш қатъиян маън этилади.

Қудуқларда йиғилиб қолган заҳарли газлар ҳаёт учун хавфлидир.

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ.

Чет эл Хабарлари

ЯКШАНБА КУНГИ ЧЕТ ЭЛ ВОҚЕАЛАРИ

БУТУН АҲОЛИНИНГ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

▲ **КОБУЛ.** Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси ва бош министри Б. Кармал Афғонистоннинг шарқидаги Кунар вилоятининг Покистон билан чегарадош районларида яшовчи пуштунларнинг сафи қабиласи оқсоқоллари ҳамда вакиллари билан учрашди. Биз, деди у йиғилиш аҳли ҳузурида нутқ сўзлаб, Афғонистонда мамлакат меҳнаткашлар оммасининг ҳоҳиш иродаси билан ғалаба ошириладиган революцияни ҳимоя қилиб қолишни, одам одамни эксплуатация қилишдан ҳоли бўлган янги гуллаб яшаётган жамият барпо этишни истаймиз. АХДП, АДР ҳукуматининг ва мамлакат миллий ватан фронтининг мақсади — Афғонистондагина эмас, шу билан бирга регионда ҳам тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдан иборат. Афғонистон барча меҳнаткашларининг жиспслиги ва иттифоқи туфайли биз АДРда мамлакат бутун аҳолисининг манфаатларига мос бўлиб тушадиган ва гуллаб яшнаган жамиятни барпо этамиз.

САЛМОҚЛИ ҲИССА

▲ **ДЕҲЛИ.** Экономиканинг давлат сектори мамлакатни индустриалаштириш суръатларини жадаллаштиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда, деди Ҳиндистон президенти Н. С. Редди Ҳиндистон савдо ва саноат палаталари федерациянинг конференциясида сўзлаган нутқида. Президент ҳукумат давлат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга алоҳида аҳамият бераётганлигини қайд этди. Мамлакатни социал иқтисодий ривожлантиришнинг олтинчи (1980—1985 йиллар) беш йиллик планига мувофиқ саноат ишлаб чиқариши ҳажмини 10 процент ошириш кўзда тутилмоқда.

ГКП ПЛЕНУМИ

▲ **БОНН.** Дюссельдорфда Германия Компартияси правлениесининг пленуми бўлиб ўтди. Эълон қилинган ахборотда хабар қилинишича, пленум ГКП VI съездига тайёргарликнинг якуниовчи босқичини бошлади ва съезднинг иши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади. Съезд 29—31 май кунлари Ганноверда ўтказилади.

Пленум қатнашчилари ГКП правлениесининг бўлажак съездга сиёсий доклади лойиҳасини муҳокама қилиб, шу муносабат билан ГКП Раиси Г. Мис баён этган тезисларни яқдиллик билан маъқулладилар. Пленум съезд делегатларининг кўриб чиқиши учун партия правлениеси томонидан тақдим этиладиган резолюцияларнинг лойиҳаларини муҳокама килди. Ана шу резолюцияларда НАТОнинг ўртача олисликдаги янги ракета ядро куролини Ғарбий Европада жойлаштириш тўғрисидаги карори амалга оширилишига қарши, меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун кураш масалалари, бошқа социал проблемаларни ҳал этиш, шунингдек ГКП сафларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилади.



ГДР. Совет Иттифоқи буюртмасига мувофиқ Варнемемюндедаги «Варнов-верфт» корхонасида янги туркумдаги кемалар ишлаб чиқарилмоқда. У Арктика шароитида оғир юкларни ташишга мўлжаллан гандир. Суратда: янги кемаларнинг кўринишки. АДН—ТАСС фотоси.

ЭТИКАГА ДОИР ИЛК ТАДҚИҚОТ

Яқинда «Ўзбекистон» нашриёти профессор Й. Жумабоевнинг «Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари» монографиясини чоп этди. Бу асар энг қадимий даврлардан то Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган Ўрта Осиё халқлари этикаси тарихини системага солиш ва ёритишга уринишдан иборат биринчи жиддий тадқиқотдир.

Автор ўз тадқиқотида қадимий замонлардан бошлаб то Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Ўрта Осиёдаги этикага оид фикрлар тарихини яхлит ва мунтазам равишда баён қилиб беришни, унинг социал ва гносеологик илдизларини очиб, ўша даврлар этик таълимотлари прогрессив белгиларини, синфий ва мафкуравий йўналишини, тарихан чекланганлигини ҳамда ўзига хос томонларини ва хусусиятларини баён қилишни мақсад қилиб кўяди.

Ўрта Осиёдаги этикага оид фикрларнинг тарихий тараққиётини синчиклаб тадқиқ этиш унинг асосий тенденцияси диний этика догмаларини модернизация қилишдангина иборат эмаслигини, балки у умум инсоний тараққиётнинг бир қисми сифатида янгиданянги прогрессив ахлоқий тушунча ва тасаввурлар билан бойиб, ривожланиб борганлигидан далолат беради. Автор ушбу тадқиқотда этикага оид фикрларнинг фақат соф назарий ютуқларинигина эмас, балки этикани дин таъсиридан ажратиб олиш ва унинг чинакам гуманистик мазмунга эга бўлиши учун олиб борилган ғоявий курашдаги аҳамиятини ҳам кўрсатишга интилади. Фалсафий фан сифатида этиканинг кўриб чиқилаётган бутун шаклланиши ва қарор топиш даври маълум идеологияга амал қилувчи партияларнинг муросасиз курашидан далолат берадики, бу кураш давомида этика тобора кўпроқ дунёвий характер касб эта борди.

Китоб олти бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда автор Ўрта Осиёда этикага оид фикрларнинг шакланиш ва ривожланиш шарт-шароитлари, энг қадимий ёзма ёдгорликларда ахлоқ масалалари ҳақида фикр юритилади.

Этик тафаккурнинг шаклланиши кўп асрли анъаналарнинг эга бўлиб, унинг илдизлари жуда қадимий ўтмишга бориб тақалади. Этик фикрнинг ривожланиши социал иқтисодий ривожланишга мос келади. Этик фикр табиий ва социал ҳаётни бевосита идрок этишдан, турмуш одатлари ҳақидаги ҳали системага солинмаган содда тасаввурлардан аста-секин мунтазам фалсафий таълимотга айланадики, бу таълимот сиёсий консерватизмга ва иқтисодий турғунликка қарши курашда реакцион кучларга ва диний ахлоқка қарши курашда илғор мутафаккирлар қўлида ғоявий қурол бўлиб хизмат қилади.

IX—XV асрларда Ўрта Осиёда этик фикрлар шаклланиши ва ривожланишининг тарихий шароитлари, шу даврдаги ижтимоий ва этик фикрларнинг асосий оқимлари ҳақида китобнинг иккинчи бобида фикр юритилади. Кейинги бобларида эса Ўрта асрнинг буюк алломалари бўлмиш Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоийнинг ахлоқий мероси кенг ва атрофлича баён қилинган.

Диний феодал ахлоқни танқид қилиш — Ўрта Осиё мутафаккирларининг бебаҳо хизматидир. Улар феодал зиёлилар илғор қисмининг манфаатларини ифодаладилар, ўз этик қарашларида худо иродаси ўрнига реал инсон иродасини қўйдилар, нариги дунёдаги бахт-иқбол ўрнига шу дунёдаги бахт-саодатни ҳимоя қилиб чиқдилар. Шу билан бирга муаллиф мазкур мутафаккирлар этик таълимотлари абстракт характерга эга эканлигини, бунга сабаб бир томондан ўша даврдаги ижтимоий муносабатларнинг ривожланмаганлиги бўлса, иккинчи томондан фан сифатида этиканинг ривож топганлигини кўрсатиб ўтади.

Китобнинг алоҳида бир боби «Ҳикмат устозлари» деб аталувчи — Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Паҳлавон Маҳмуд ва бошқаларнинг этик қарашларини таҳлил қилишга бағишлангандир. Унда бу мутафаккирлар ахлоқий қарашларининг насиҳатгўйлик — дидактик характери очиб берилган.

Хуллас, тарбиячидек олийжаноб касб билан машғул бўлган барча кишилар учун бу китоб катта ёрдам беради, китобхонлар унинг саҳифаларидан марксча-ленинча этика нуқтаи назаридан қараб чиқарилган чуқур хулосалар ва умумлаштиришларни топадилар.

Шу ўринда баъзи фикр ва истакларни ҳам айтиб ўтиш лозим. Китобда XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда этик қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши етарли ёритилмаган. Хусусан, Муқимий, Фурқат, Аҳмад Дониш, Аваз Утар, Ҳамза ахлоқий қарашлари кенг ва атрофлича таҳлил қилинса мақсадга муворифиқ бўларди. Бу китобнинг илмий қимматини ва актуаллигини оширер эди. Иккинчидан, китоб ўзбек тилида босилгани ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланганлигини ҳисобга олсак, унинг тиражи (5000 нусха) ниҳоятда кам. Китобни каттароқ тиражда қайта нашр қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Мазкур китоб олий ўқув юртларида марксча-ленинча этикадан дарс берувчи ўқитувчиларга, шу фандан билим олувчи студентларга ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилади, шунингдек, ахлоқ масалалари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига ҳам катта ёрдам беради.

Қ. ОРИПОВ,
фалсафа фанлари кандидати, доцент.
Қ. ОРИФХЎЖАЕВ,
фалсафа фанлари кандидати, доцент.

ТАҚРИЗ

Редактор Н. НАСИМОВ.

Телевидение

МТ — «ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Мультфильм. 10.30 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 11.30 — Скрипка ва фортепьяно учун соналар. 12.20 — Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 13.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телевизион ҳужжатли фильм. 15.50 — Концерт. 16.45 — Объектив 17.15 — Уфқ. 18.15 — Операларден ариялар. 18.45 — Мамлакат далаларида. 19.00 — Расмларда қўёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Апрель революциясининг ҳақиқати. Ҳужжатли фильм. 20.20 — Мардлик. Кўп серияли телевизион бадиий фильм, 5-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Телевизион журнал. 23.20 — Дунё воқеалари.

ЎзТВ-I

18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Қўғирчоқ фильмлар. 18.45 — Сўз кетиден сўз келар. 19.05 — Миллионлар ленинча университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Халқ контроли экрани. 20.30— Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Янги қаҳрамонлар. 22.20 — Олис юлдуз шуъласи. Бадиий фильм, 1-серия. 23.30 — Волейбол. 24.00 — Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Телефильм. 19.25 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Физика. 21.00 — Адабий кўрсатув.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28|IV да Келинлар кўзголони, 29|IV да Истеҳком, 30|IV да Кузнинг биринчи куни.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29|IV да Хўжайин, 30|IV да Тўйдан олдин томоша.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 28|IV да Зада бўлган пайғамбар, 29|IV да Чандиқлар,

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Африка бегемотлари аттракционининг гастроллари (13.00, 16.00, 19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат — 325757; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик— 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир—325894.

Р. 06199. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1592.